



– Манавини қаранг, гуноҳкор одам билан килиб суҳбатлашиб ўтирибди, – дея уни айтади.

Бу гапларни бехосдан эшитиб қолган саҳоба аъини ҳолатга шундай изоҳ беради:

Фаруз қилинги, агар бу биродаримиз гуноҳий туфайли ботқоққа тушиб қолган бўлса, бизнинг вазифамиз унга шафқат кўлини узоқ уша ҳолатдан қутулишига ёрдам беришдир. Томошабинлик бизга ярашмайди. Менинг қилаётган ишим уни халос этишга қаратилган. Ўйлаб-ўйлаб унинг қалбига, кўнглига кириш йўлларини излаяпман. Уни гуноҳлар исканжасидан чиқармоқчиман. Ўз ҳолига ташлаб қўйишда яхшилик йўқдир.

МУЛОЙИМ МУОМАЛА МЕВАСИ

Бир одам дўконда асал сотар эди. Аммо куни беҳуда ўтар, растасига пашша ҳам яқин йўламас эди. Унинг рўбарўсида бир кўшни тожир сирка сотар эди. Унинг харидорлари кўп, кўли ишдан бўшамас эди. Бу зиддиятли ҳолатни кўрган асал сотувчи бир кексадан:

– Мен асал сотаман, харидор келмайди. Кўшним эса сирка сотади, олувчининг кети узилмайди. Бунинг боиси не? — деб сўради.

Донишманд қария ишнинг нозик томонини англагач, шундай изоҳ берди:


– Сенинг кўлинг асал сотади, аммо юзинг сирка сотади. Кўшнингни кўли сирка, юзи эса асал сотади. Сен бу тил, бу муомала билан асал сота билмайсан. Кўшнинг шу майин табассуми, ширин муомаласи билан сиркасини сотаверади. Сен сўппайиб ўтираверасан...

Ушбу ривоят мазмунини чуқурроқ ўйлаб кўрайлик.

Ислом таблиғчилари асалларини асалга лойиқ назокат ва ширинсуханлик билан сотяптиларми? Ёки расталарида асал турса ҳам, ўзлари сиркадек аччиқ муомала қияптиларми? Ҳолбуки, саодат асридаги воқеалардан гўзал муомала-муносабатларни ўрганиш зарур.

Улуғ саҳобалардан бири баъзи гуноҳ ишлар қилган кимса билан ёнма-ён ўтириб, самимий суҳбатлашар, кулишар эди. Бунинг кўрганлардан бири:

Демак, бугунги инсонлар ўзлари билиб-билмай қилган янглиш ишлари ва гуноҳлари туфайли айбланиб, ўз ҳолларига ташлаб қўйилмаслиги лозим. Балки уларга шафқат ва фаҳм-фаросат билан муомала қилиб, кўнглига йўл топиш керак. Касаллик шу зайлда даволанади.



МУНДАРИЖА



<i>Амри маъруф</i> Мулойим муомала меваси	1
<i>Эҳтиром</i> Абдулҳамид ИСҲОҚОВ Қариллик қадри	10
<i>Насиҳат</i> Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ Қалб ва ақл пайваста	10
<i>Шеърият</i> Абдуқодирхожи ҚАЙЙУМ Муҳтож айлама	11
<i>Шафқат тажаллийси</i> Маҳмуд МАҲКАМ Ожизларнинг фидокор қудрати	16
<i>Фиқҳ бурчаги</i> Акмал АВАЗ Қизиқарли қондалар	18
<i>Оила одоби</i> Муҳаммад АҲМАД КАНЪОН Эр-хотинлик асослари	22
<i>Муносабат</i> Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши Ҳидоят йўлидан адашманг	25
<i>Амри маъруф</i> Сайфиддин хожи НАСРИДДИН ўғли Нафси хор тутган яхши	29
<i>Шеърият</i> Умид ҲАСАНОВ Умр	31
Бахтиёр МАҲМУД Ботиндадир	31
<i>Дам олиш саҳифаси</i> Турсунали ҒАНИЕВ Бошқотирма	32
<i>Маслаҳат</i> Рўзимухаммад ХИДИРАЛИЕВ Шамоллашдан сақланинг	32

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Маърифий суҳбатлар
Абдул Азим ЗИЁУДДИН
Юсуф АҲМАД

4

«АГАР РОСТГУЙ БЎЛСАНГИЗЛАР...»

Агар Таврот ва Инжилнинг ўрисча, ўзбекча ва инглизча нусхаларини ўқисак, юқорида зикри ўтган тухматлар ҳаммасида бир хил эканини кўрамиз.

Хабарлар

6

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Ҳожиларга қулайлик



Масжидул Ҳарамга кириш жойларига ўрнатилган ўттиз иккита махсус электрон кўрсаткичлар ҳожиларнинг ҳаракатланишини осонлаштириш учун эшиклар рақамини ва мавжуд бўш жойлар сонини кўрсатиб туради.

Дархона
Муҳаммад СИДДИҚ

12

МЎМИННИНГ МЕЪРОЖИ

ЙИГИРМАНЧИ САБОҚ

Жума намози фарз бўлган киши жума намозига бормаи пешин намозини ўқиса, намози дуруст бўлсада, гуноҳкор бўлади.



Хотира

14

ДИН ХИЗМАТИДА ЎТДИЛАР

Устоз Салоҳиддин домла-нинг ҳаётлари динни одамлар-га етказиш, таълим бериш би-лан, ибодат ва хатми Қуръон-лар билан ўтди. Охирги дамла-ри ҳам арафа кунги хуфтон на-мози ила кечди...



Шеърият

Абдул ЖАЛИЛ

20

Озод ҳилпирадинг найза учида

Эзгулик ҳикмати, дўстлик асрори,
Кўнгли каби тоза, ниятидай оқ —
Ҳазрат Бурайданинг дастори,
Ислом оламида табаррук байроқ!

Сўранг, жавоб берамиз

28

Бир саволим бор

Шариатимиз эркакларга тилла та-қинчоқларни ҳаром қилган. Бу нарса аслида христианларнинг учхудолик эти-қодига бориб тақалади. Лондонда чоп эти-ладиган «Woman» («Аёл») номли жур-налнинг 1960 йил 19 март сонидаги 8-саҳифада ушбу савол-жавоб чоп этилган.

Муштарий мулоҳазалари

30

АЁЛНИНГ ШАРАФИ НИМАДА?

Ўтмишда заҳмат-машаққатларга сабр-бардош қилган момоларнинг бугунги авлодлари анча бесабр, қано-атсиз бўлиб боришяпти. Ҳатто баъ-зилари ўзларини енгил ҳаёт оғушига отмоқда.



«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон муслмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Сирождин АҲМАД
Абдуқаюм ҲИКМАТ
Нуриимон АБУЛҲАСАН
Абдулжалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади.
Бадий муҳаррир
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли
Тартибловчи
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли
Мусаҳҳиҳа
Юлдуз Комил қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:
Фарғона вилояти — 8. 3732. 24-25-28
Директори Салоҳиддин Нуриддин
Андижон вилояти — 8. 3742. 24-34-04
Директори Ўқтам ҳожи Умурзоқ
Қашқадарё вилояти — 8. 37522. 4-64-06
Директори Бозоров Рустам

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй, Тел: 40-17-97.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитасида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 00079.
Босишга 2002 йил 16 декабрда руҳсат берилди.
Босмаҳонага 2002 йил 28 декабрда топширил-
ди. Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 7756 нусха.
223-сон буюртма. «KOH1 NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почтаимиз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-III
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганда исми шарифлар тўлиқ
ёзилиши, манзил тўғри кўрсатилиши шарт.

«АГАР РОСТГҲҲ БЎЛСАНГИЗЛАР...»

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

— *Қуръони карим аввалги илоҳий китобларнинг давомчиси сифатида қандай ўрин тутади?*

— Мусога, алайҳиссалом, нозил этилган Таврот китобининг муддати Исо, алайҳиссалом, пайгамбар бўлиб келишлари билан тугаган. Исога, алайҳиссалом, нозил этилган Инжил китобига амал қилиш муддати эса Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, пайгамбар бўлиб келишлари билан тугади. Муҳаммадга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, нозил этилган Қуръони каримга бу дунёда амал қилиш муддати қиёматгачадир. Аллоҳ таоло Қуръонни аввалги илоҳий китобларни:

а) тасдиқловчи: «Сизга эса (эй Муҳаммад, алайҳиссалом), Биз ўзидан олдинги Китоб(ларни) тасдиқлагувчи...»

б) гувоҳ: «ва у (Китоблар) устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик...» (Моид, 48, мазмуни);

в) ажратувчи: «(Энди эса ҳақ билан ноҳақни) Ажратувчини (Қуръонни) нозил қилди» (Оли Имрон, 4, мазмуни);

г) муфассал баён қилгувчи: «... (унга) имон келтирадиган қавм учун барча нарсаларни муфассал баён қилиб берувчи Хидоят ва Раҳмат (бўлган бир Китобдир)», деб айтади (Юсуф, 111, мазмуни).

— *Яқинда қўлимга христиан миссионерлари томонидан ўзбек тилида тарқатилган «Ҳақиқат! Ҳа, фақат Ҳақиқат!» деган рисола тушиб қолди. У ерда: «Инжил Қуръоннинг «хато»ларини тўғрилайди» деган ғоя илгари сурилибди...*

— Бу қуруқ даъводир. Ҳақиқат бу даъвонинг аксичадир. Маълумки, айтилган сўз илмий ёки амалий суратда исботланмагунча ҳеч бир кучга эга бўлмайди. «...Бу уларнинг хом хаёлларидир. (Эй Муҳаммад, алайҳиссалом) айтинг: «Агар ростгўй бўлсангизлар, ҳужжатларингизни келтирингиз!» (Бақара, 111, мазмуни). Инсонлар томонидан бузуқ «тузатишлар» киритилган ҳозирда мавжуд Таврот ва Инжилларда пайгамбарлар қаттиқ тухматга учраганлар. Қуръон эса у китоблардаги хатоларни тўғрилаган. Мана, бир неча мисол:

«31. ...Бир куни Лутнинг катта қизи кичигига деди: — Отамиз қари, ер юзидаги одатга қўра биз никоҳга олинишимиз учун мамлакатда бирон эркак қолмаган. 32. Кел, отамизга шароб ичириб, у билан ётамиз, токи отамиздан насл сақлайлик. 33. Ўша кечаси қизлар оталарига шароб ичирдилар. Катта қиз отасининг ётоғига кириб, у билан ётди. У эса қизининг қачон ётиб, қачон турганини билмади. 34. Эртасига катта қиз синглисига: — Мен ўтган кеча отам билан ётдим. Бу кеча унга яна шароб ичирамиз, бу гал сен унинг ётоғига кириб у билан ёт, токи отамиздан насл сақлайлик, — деди. 35. Қизлар ўша кечаси ҳам оталарига шароб ичирдилар. Кичик қиз бориб, отаси билан ётди. Отаси эса қизининг қачон ётиб, қачон турганини

билмади. 36. Шундай қилиб, Лутнинг иккала қизи ҳам оталаридан ҳомиладор бўлдилар... (Тавротдан «Ибтидо» китоби, 19-боб).

Инсонлар ичидаги энг маданиятли, юксак ахлоқ соҳиблари бўлган пайгамбарлардан бирига бўлаётган тухматни қаранг! Ахир, Лут пайгамбар ўз қизлари билан зино қиладиган ароқхўр шахс бўлганмилар? Астафируллоҳ!!!

Энди Қуръони карим Лут, алайҳиссалом, ҳақларида нима деганига қулоқ тутамиз: «Яна Биз Лутга ҳикмат ва илм ато этдик ва унга нопокликлар қилувчи бўлган қишлоқ (аҳли)дан нажот бердик. Дарҳақиқат, улар ёмон бузуқ қавм эдилар. Ва Биз уни (Лутни) ўз раҳмат — жаннатимизга дохил қилдик. Шак-шубҳасиз, у солиҳлардандир» (Анбиё, 74—75, мазмуни); «...ва Лутни (ҳам Биз хидоят қилдик) ва барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик» (Анъом, 86, мазмуни).

Инжилда Исо пайгамбар оналари Марямга кўпол сўзлар билан муомала қилганлари баён қилинади: «3. ...Шароб тугаб қолгач, Исонинг онаси Унга: — Уларда шароб қолмабди, — деди. 4. Исо унга: — Менинг ишимга аралашма, аёл. Менинг вақт-соатим ҳали етгани йўқ, — деди...» (Юҳанно, 2-боб). Гўё оналарини ҳурматсизлик билан «аёл» деб чақиряптилар. Бошқа жойда «аёл» деб бир фоҳишага мурожаат қиладилар: «3. Шу орада уламолар билан фарзийлар бир аёлни Исонинг олдига келтиришди, уни зино қиляётганида ушлаб олишган эди. 4. — Устоз! — дейишди аёлни ўртага қўйиб. — Бу аёл зино қиляётганида ушланди...10. Исо ўрнидан турди-да, аёлдан бошқани кўрмай: — Эй аёл! — деди, — сени айбловчилар қани? Ҳеч ким сени маҳкум қилмадимми? 11. — Ҳеч ким, Ҳазрат! — деб жавоб берди аёл. (Юҳанно, 8-боб).

Наҳотки Аллоҳнинг содиқ пайгамбарларидан бири бўлган Исо, алайҳиссалом, мўътабар оналарига худди фоҳишага муомала қилгандек мурожаат қилган бўлсалар? Бундай тухматни ҳам Қуръон ўнглайди ва Исо алайҳиссаломнинг тилларидан шундай дейди: «Шунигдек, (Аллоҳ) мени онамга итоатли-меҳрибон қилди ва мени ситамкор бадбахт қилмади» (Марям, 32-оят мазмуни). Шу билан бирга, христианлар томонидан шундай ҳурматсизлик билан тилга олинаётган Исонинг, алайҳиссалом, оналарини Қуръони карим: «Фаришталар Марямга: «Ё Марям, албатта, Аллоҳ сени (аёллар орасидан) танлаб олди ва (барча гуноҳлардан) поклади ҳамда сени бутун оламларнинг аёлларидан афзал қилди» (Оли Имрон, 42-оят мазмуни) деб, у зотни бутун дунё аёлларининг энг яхшиси санади. Аллоҳу акбар!

Ёки бошқа бир оятда баён қилинадики: «Масих ибн Марям фақат бир пайгамбар бўлиб, ундан илгари ҳам кўп пайгамбарлар ўтгандир. Унинг онаси эса сиддиқа — Аллоҳга ҳаққирост имон келтирган аёлдир» (Моид, 75-оят мазмуни).



Инжилда баён қилинишича, Исо Масих хоча михланган кўйи: «34 — Элоҳи, Элоҳи, ламо шавақтани? — деб фарёд қилди. Бу сўзнинг таржимаси: «Тангрим, Тангрим, нега мени ташлаб қўйдинг?» демакдир (Марк, 15-боб). Христианлар айтишсин: Исо агар Худонинг ўғли ёки, яна айтишларича, «худо» бўлсалар, қандай қилиб бундай галати, ўзининг «илоҳ»лигига хос бўлмаган ожизона, ғариб сўзларини айтдилар? Ахир у киши, христианлар даъвосича, еру осмоннинг «эгаси», камчилик ва нуқсонлардан холи «илоҳ» эмасми?! Христианликдаги бундай номақбул, буюк пайғамбар Исонинг, алайҳиссалом, шахсиятларига номуносиб эътиқодни Қуръони карим келиб тўғрилади, тушунтирди:

«Яна кофирликлари ва Марям хусусида улуг бўхтон қилганликлари сабабли ҳамда Аллоҳнинг пайғамбари бўлган ал-Масих Исо ибн Марямни «Бизлар ўлдирганмиз», деган сўзлари сабабли (Биз уларни лаънатладик). Ҳолбуки, улар (Исони) ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат улар учун (бошқа биров Исога) ўхшатиб қўйилди, холос. Албатта, (Исо) ҳақида таллашиб-тортишган кимсалар унинг (ўлдирилган-ўлдирилмагани) ҳақида фақат шубҳада қолганлар. У ҳақида ҳеч қандай билимлари йўқ, фақат гумонларга берилдилар, холос. Уни ўлдирмаганлари аниқдир. Балки уни Аллоҳ Ўз ҳузурига кўтаргандир. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир» (Нусо, 156–159, мазмуни).

Пайғамбарларга бўлган шунга ўхшаш туҳмату бўхтонларни Инжилнинг бир неча жойларида учратишимиз мумкин.

— **Ушбу хатолар асрлар давомида, таржима жараёнида йўл қўйилган хатолармикан ёки атайин киритилганмикан?**

— Агар Таврот ва Инжилнинг ўрисча, ўзбекча ва инглизча нусхаларини ўқисак, юқорида зикри ўтган туҳматлар ҳаммасида бир хил эканини кўрамиз. Буларни таржимадаги хатолар десак, унда қуйидагиларни нима деб атаймиз:

«22. Ҳали тун ўтмай, Ёқуб ўрнидан турди-да,

*Исроил: «Худо курашади» ва «Худо билан курашган» маъноларида. (Инжилдаги изоҳ.) Аслида, «Исроил» Ёқубнинг, алайҳиссалом, лақаблари, иброний тилида «Исро» — Абд, «Ил» — Аллоҳ, яъни, «Абдуллоҳ» — Аллоҳнинг қули демакдир (Тафсири Насафий, Бақара, 40-оят тафсиридан).

икки хотини билан икки чўрисини ҳамда ўн бир боласини олиб, Яббук дарёсининг кечувидан ўтди. 23. Уларни ва ўзида бор бўлган нарсаларини ҳам дарёдан ўтказди. 24. Охирида якка ўзи қолди ва бир Зот тонг отгунча у билан курашди. 25. У Ёқубни енга олмагач, унинг сон бўғинига урди ва сони бўғинидан чиқиб кетди. 26. У Зот: — Мени қўйиб юбор, мана тонг отди, — деди. Лекин Ёқуб Унга: — Мени дуо қилмагунингча Сени қўйиб юбормайман! — деди. 27. Ўша Зот: — Отинг нима? — деб сўради. У: — Отим Ёқуб, — деди. 28. Ўша Зот: — Бундан буён сени Ёқуб эмас, балки Исроил* дейдилар. Чунки сен Худо ҳамда одамлар билан курашиб голиб чиқдинг, — деди...» (Тавротдан «Ибтидо», 32-боб).

Гуё Ёқуб, алайҳиссалом, Худо билан «курашибдилар». Инжилдаги бу «оят»ларни ўқиган ақлли оддий бир инсон ҳам улар куракда турмайдиган гаплар эканини билади.

— **Христианларнинг авлодлари ичкиликка ружуб қўйишлари илоҳий китоблари бунга рухсат берганиданми? Улар винони муқаддас ичимлик деб эътиқод қилишади, бунга бирон асос борми?**

— Бу ишлари ҳаддан ошишдир. Инжилда азиз ҳаворий Павелнинг: «23. Бундан кейин фақатгина сув ичма, балки ошқозонинг учун, тез-тез юз берадиган касалликларининг олдини олиш учун озгина шароб ҳам ичгин...» (Тимофейга биринчи мактуб, 6-боб), деган сўзи христианлар учун ичкиликхўрликка берилган рухсатга айланиб кетди. Ҳолбуки, Ҳаворий: «19. Башарий табиатнинг ишлари маълум, чунончи: фаҳшбозлик, ҳаром-харишлик, фисқ-фужур, 20. бутпарастлик, жодугарлик, душманлик, жанжалкашлик, рашк-ғазаб, манманлик, ихтилофчилик, бидъатчилик, 21. ҳасад, қотиллик, ичкиликбозлик, айш-ишрат ва шуларга ўхшаш ишлар. Сизларни олдин огоҳлантирган эдим, яна огоҳлантираяпман: бу каби ишларни қилувчилар Худо Шоҳлигидан бебаҳра бўладилар» (Галатияликларга, 5-боб) дея ичкиликхўрликдан қайтарган эди! Инсон қанчалик заиф, шайтонлар қанчалар маккор! Бу «озгина шароб ҳам ичгин» сўзи амалда виною ароқ денгизларига айланиб кетди, у денгизларда кўпгина христиан халқлари чўкиб кетдилар ва кетмоқдалар. Қуръон эса, инсониятни бу балодан қайтариб, шундай нидо қилади: «Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), тиклаб қўйилган бутлар (яъни, уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни, чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз, шояд нажот топсангиз! Ароқ, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!» (Моида, 90–91, мазмуни).

(Давоми 8-бетда)



ИСЛОМ ВА ОЛАМ

“Ал-Азҳар” халқаро телеканал

Қоҳирадаги “Ал-Азҳар” университети янги исломий телеканал кўрсатувларини эфирга узатишга ҳозирлик кўрмоқда. Бу хусусда Миср ахборот вазирлигининг расмий рухсатномаси ва мамлакат президентининг розилиги ҳам олинди. Университет ректори Муҳаммад Тантовийнинг Ислом ахборот агентлиги IINA муҳбирига берган маълумотида, “Ал-Азҳар” телеканал дастурларида Ислом ва мусулмонларнинг муаммолари кенг ёритилажани таъкидланди. Йигирма тўрт соат давомида ер курасининг турли бурчакларига илмий ва маърифий кўрсатувлар, фатволар узатилиб туради. Бундан ташқари каналда Ислом дунёсида ва мусулмонларнинг бошқа дин вакиллари билан ўзаро алоқаларида учраб турадиган долзарб саволлар муҳокамасига оид кўрсатувлар намойиши ҳам режалаштирилган.

Ҳожиларга яна бир қулайлик

Макка шаҳри ва Масжидул Ҳарамнинг мутасаддилари Ҳарамга кириш жойларига ўттиз иккита махсус электрон кўрсаткичлар ўрнатди. Ушбу қурилма ҳаж ва умрага келганларнинг масжид ичи ва ташқарисида ҳаракатланишини осонлаштириш учун эшиклар рақамини ва мавжуд бўш жойлар сонини кўрсатиб туради. Масжидул Ҳарамнинг етмиш битта дарвозаси бор. Бу дарвозалар одатий вазифаларидан ташқари, хавфсизлик ва осойишталикни таъминлашда ҳам аҳамиятлидир.

Мусулмонлар сони ортиб бораётгани учун ҳар йили ҳаж ва умрага келувчилар ҳам кўпайиб борапти. Бу эса, ўз навбатида, ҳаж ибодатини ўташда баъзи муаммоларни туғдиради. Шу боис Масжидул Ҳарам вақти-вақти билан қайта таъмирланиб, кенгайтирилиб бориляпти, ички тартиб чоралари ҳам такомиллашяпти. Масалан, 1900 йили масжиднинг фақат йигирма бешта дарвозаси бор эди. 1979 йили эса масжидга кириш

жойларида кеча-кундуз тартибни назорат этувчи махсус маъмурият тузилди. Ва ҳоказо.

Ислом сунъий йўлдоши

Ўрдун ҳукумати Ислом олами эҳтиёжларини кўзлаб учирлиши мўлжалланаётган Ернинг сунъий йўлдоши қурилишига ҳисса қўшиш тўғрисидаги қарорни маъқуллади. Бу қурилиш лойиҳасини “Ягона Ислом ҳижрий йил ҳисоби” кўмитаси тасдиқлаган. Миср, Саудия Арабистони, Ливия, Ўрдун, Қатар ва Тунис каби мамлакатларнинг Телефон алоқалари бошқармалари қурилишни маблағ билан таъминлайдилар.

Ислом сунъий йўлдошини учирлиш, лойиҳага кўра, 15 милён долларга тушади. Сунъий йўлдош фазога чиқарилса, ҳижрий йил ҳисобини ва ой тақвимида кўра рўза ва ҳайит кунларини белгилашга оид турли мамлакатларда юзага келаётган муаммолар осон ҳал этилади.

Эронлик ҳофизнинг маҳорати

Жанубий Африко республикаси пойтахти Кейптаун шаҳрида қориларнинг анъанавий йиллик мусобақаси ўтказилди. Қуръонни, ҳофизларнинг қироатини тинглаш учун турли мамлакатлардан келган минглаб мусулмонлар шаҳарнинг марказий жомеъига тўпланишди.

Мана, ўн йилдирки, қориларнинг бундай мусобақалари юксак савияда мунтазам ўтказиб келинаётир. Қуръон байрами якунида эронлик ҳофиз инсон хотира қувватининг ажойиб имкониятларини намойиш этиб, ўқилган ҳар бир оятнинг Қуръони каримдаги ўрнини, ундан олдин ва кейин қайси оятлар келишини ҳам тез ва аниқ айтиб берди.

Австралия мусулмонлари

Австралия мусулмонларининг сони йилдан йил ортиб бормоқда. Сўнгги бир йил мобайнида мамлакат мусулмонлари 91 фоизга кўпайди ва 280 минг кишига етди. IINA Ислом ахборот агентлиги фикрига кўра, бу ҳол асосан, Туркия,

Ливия, Бўсна ва Ироқдан кўчиб келувчилар ҳисобига юз бермоқда.

Мусулмонлар жамоаси кўпайиб бориши билан тўлақонли исломий ҳаёт кечириш учун зарур бўлган ижтимоий-маиший тизимлар ҳам тобора кенгаймоқда. Бугунги кунда мамлакатда юзта масжид, йигирма битта Ислом ўқув юрти ишлаб турибди.

ТКП раҳбарининг эътирофи



Туркия коммунистлар партияси раҳбари Дўғу Перенчак, ўтган парламент сайловларида собиқ ҳукумат тарафдорларининг мағлубиятига бош сабаблардан бири одамларда даҳрийликка — илмий атеизмга ишонч буткул йўқолганидир, деб тан олган. Аднон Ўқтар бошлиқ Туркия Илмий тадқиқотлар жамғармаси шу ҳақда маълумот тарқатди. Коммунистлар етакчиси, шунингдек, одамларда фикр ва гоё ўзгаришига дарвинизм назариясининг асосизлигини исботлаб берган Хорун Яҳё китоблари катта таъсир кўрсатганини таъкидлаб ўтди.

Чеченистондаги янги масжид

Чеченистон Республикасининг Грозний туманидаги Янги Сенторой қишлоғида янги масжид қурилиши якунланди. Чеченистон дин ишлари бўлими бошлиғи Висрудди Шердиев айтишича, янги масжидга XIX аср охири XX аср бошларида яшаган олим, мутасаввиф ва жамоат арбоби Қунта ҳожи Кишиевнинг номи берилди.

Маҳаллий аҳоли маблағлари билан қурилган бу масжидда 500 намозхон жамоат бўлиб ибодат қилиши мумкин.

Сўнгги бир ойда

Фаластин соғлиқни сақлаш вазирлиги берган маълумотга кўра, кейинги бир ой ичида мухторият ҳудудида Исроил аскарлари тинч аҳолидан 42 кишини ҳалок этишган. Ўлдирилганлар орасида аёллар ва бегуноҳ болалар ҳам оз эмас.

IINA Ислом ахборот агентлиги хабарига

кўра, марҳумларнинг бари тинч аҳоли уйларига, чодирларга ҳарбий ҳужум оқибатида қурбон бўлишган. Шунингдек, бир ойда юзлаб одам қамоққа олинган, уйлар бузилиб, кўп оилалар бошпанасиз қолган.

Хитойнинг Юнан вилояти

Хитой Халқ Республикасининг Юнан вилоятида 630 мингга яқин мусулмон истиқомат қилади. Улар ихтиёрида 393 та масжид бор. Шунингдек, вилоятда Ислом мактаблари, институтлар ишлаб турибди.

Яқинда Жанубий-шарқий Осиё ва Тинч океани давлатлари Ислом даъвати минтақавий кенгашининг малайзияликлардан иборат делегатсияси Хитойнинг Юнан вилоятига ташриф буюрди. IINA хабарига кўра, Кенгаш раҳбари доктор Абдуллатиф Маҳмуд хитойлик ёшларнинг Малайзия Олий ўқув юрларида таҳсил олишлари учун вақант ўринлар ажратилажигини айтди.

Малайзия — қорилар юрти



Малайзия султони ўринбосари, валиаҳд Файзуддин Ботра айтишича, ҳозир бу мамлакатда дунё бўйича энг кўп Қуръони карим ҳофизлари бор. Ўтган йилги ҳисобларга кўра, мамлакатда муруттаб қорилар сони ўн минг кишига етган. Малайзияда беш мингта Қуръони каримни ўрганиш мактаблари ишлаб турибди. Биргина Барлис вилоятида бир ярим мингта Қуръонни ўрганиш марказлари мавжуд. Бундан ташқари минглаб масжидларда Каломуллоҳ дарслари олиб борилади.

Валиаҳд Файзуддин Ботра яқинда Мисрнинг Ал-Азҳар университетига ташриф буюриб, бу илм даргоҳида тўрт минг малайзиялик талаба таҳсил олаётганини айтди. Шунингдек, у Малайзияда университетнинг филиалини очиш масаласи ҳал этилажигини маълум қилди.

Интернет материаллари асосида
Абдул ЖАЛИЛ, Маҳмуд МАҲКАМ
тайёрлашди

«АГАР РОСТГҲЙ БЎЛСАНГИЗЛАР...»

(Давоми. Бошланғиши 4-бетда)

— **Миссионерлар тарқатаётган китоблар, уларда ёзилган нарсалар ҳақида нима дейсиз?**

— Ўша китобларни ўқиган одам Аллоҳ таоло, у Зотнинг пайғамбарлари ҳақида жуда ҳам фосид, бузуқ ақидаларга дуч келади. Ақлли инсон уларни қабул қила олмайди. Масалан, «Муқаддас Китоб суратларда» номли китобнинг 14-бетигаги «Биринчи одамларнинг яратилиши» бобида: «26. Яна Худо: «Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик...» 27. Шундай қилиб, Худо одамни Ўз суратида, илоҳий суратда яратди...» (*Ибтидо, 1-боб*) деган сўзлар бор. Наҳот Худо шу инсонга ўхшаса?! Инсон бир заиф мавжудот бўлса, бечора баъзида касал бўлиб туради, қорни очади, чанқайди, чарчаса ухлайди ва ҳоказо. Доимо нимагадир муҳтож бўлади... Қуръони карим эса, Аллоҳнинг зоти хусусида шундай хабар беради: «**Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У Ўшитгувчи ва Кўриб тургувчидир**» (*Шўро, 11, мазмуни*). Имом Куртубий бу оятни шундай шарҳлайдилар: «Албатта, Аллоҳ улуглиги, кибриёси, мулку салтанати, гўзал исмларию олий сифатлари ила буюқдир. Махлуқотларидан бирон нарса унга ўхшаш эмасдир ва У улардан бирон нарсага ўхшаш эмасдир».

— **Афсуски, кейинги пайтларда ҳақ динни ташлаб, бошқа динларга қираётганлар учрамоқда. Бундай аяғчи ҳодисаларнинг сабаби нимада экан?**

— Ҳа, афсуски, шундай ҳодисалардан кўз юмиб бўлмайди. Бунинг кўп сабаблари бор, албатта. Биринчидан, миссионерлар динларидаги мажбуриятларни беркитиб, христиан динини осон кўрсатадилар. «Сен Исога эргашсанг, Исо сенинг нажоткоринг бўлади. У сенинг гуноҳларингни ўз бўйнига олиб, дўзахда уч кун азовланиб чиққан», деб уларнинг қўйниларини пуч ёнғоққа тўлдирадилар. Бир куни, ярим-яланғоч, замонавий кийинган бир аёл, қўлида Инжил билан кўчада даъват қилиб юрган экан. Мен ундан: «Сиз нимага даъват қиласиз?» деб сўрадим. Шунда у: «Инжил Худонинг китоби, унга амал қилиб ҳаёт кечириш керак», дея гапира кетди. Мен: «Сиз ўзингиз Инжилга амал қиласизми? Инжил сизга бошланг юришга рухсат берадими?» деб сўрадим. У: «Ҳа, албатта», деди. Шунда қўлидаги Инжилни сўраб олдим-да, 444-бетини очиб, ушбу жумлаларни ўқидим: «5. Яна бошини ёпмай ибодат қилган ёки башорат қилган ҳар бир хотин ўз бошини шарманда қилади. Бундай хотин сочларини қирган хотин билан тенгдир. 6. Агар хотин бошини ёпишни истамаса, унда сочларини ҳам қирқсин. Лекин агар хотинга сочларини қирқиш ёки қириш уят бўлса, бошини ёпсин» (*Биринчи Коринфликларга, 11-боб*).

Аёл лом-мим дея олмай бир оз турди-да, жуфтакни ростлаб қолди.

Бошқа бир сабаби моддий манфаатдир. Бир вақтлар насронийликка кирган бир онахон билан суҳбатлашганман. Онахондан:

— Христиан динини қабул қилишингизга нима туртки бўлди? — деб сўраган эдим. У:

— Бир куни христиан даъватчилари уйимга келишиб, динларига киришимни таклиф этишди. «Мен мусулмонман! Бу менинг ота-бобомдан қолган диним», десам, улар: «Биз сизга ёрдам берамиз», дея пенсиям етмай, бир неча ойдан бери тўлолмайд юрганим уй-жой солиғини тўлаб беришди. Текинга чиройли-чиройли китоблар ҳадя қилишди, — деб баён қилди. Сўнг менга савол берди:

— Нима учун мусулмонча китоблар кам, бўлса ҳам қиммат?..

Яна бир сабаби, совет замонида ёшларимизнинг аксарига маънавий бўшлиқ пайдо бўлди, улар миллатимиз тарихидан, диний ақидаларимиздан жуда йироқлашдилар. Ҳатто бегоналашдилар. Дин деганда соф исломиятни эмас, қандайдир хурофоту урф-одатларини тушунадилар. Табиийки, у хурофот урф-одатлар ёқмаганидан динни ёмон кўра бошлашди. Минг йиллар давомида шаклланиб келган исломий маданиятимиздан айрилиш ёшларнинг миллатимизга ёт этиқодларга кўр-кўрона эргашиб кетишларида намоён бўляпти.

— **Муҳаммад, алайҳиссалом: «Пайғамбарлар ўзаро биродардирлар, йўллари ҳам биттадир», деб марҳамат қилганлар. Барча пайғамбарлар якка Худога даъват қилганлари ҳолда, нима учун христианлар уч худодлик гоясини илғари суришади?**

— Тўғри, барча пайғамбарлар ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга, унга ҳеч нарсани шерик қилмасликка қақришган. «(Эй Муҳаммад, алайҳиссалом) Биз сиздан илғари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай илоҳ йўқ, Ёлғиз Менгина бордирман, бас, Менгагина ибодат қилинлар», деб ваҳий юборгандирмиз» (*Анбиё, 25, мазмуни*).

Биз ҳозирги Инжилнинг ўзида ҳам, Исонинг, алайҳиссалом, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга қақирган сўзларини, христианларнинг учхудодлик даъволарини ботилга чиқарганини кўрамиз: «1. Шу гаплардан кейин Исо, алайҳиссалом, кўзларини осмонга тикиб, деди... 3. «Абадий ҳаёт эса, Сени — танҳо Ҳақ Худони ҳамда сен юборган Исо Масихни таниб билишдан иборатдир...» (*Юҳанно, 17-боб*);

«28. Уламолардан бири ...Исонинг олдига келиб: — Бутун илоҳий амрларнинг энг муҳими қайси бири? — деб сўради. 29. Исо унга жавоб бериб деди: — Бутун амрларнинг энг муҳими шу: «Тингла, эй Исроил! Роббимиз бўлган Худованд Ягона Худованддир... 32. — Яхши гапирдинг, Устоз, — деди уламо Исога. — Худо ягона, Ундан бошқа худо йўқ, деб тўғри айтдинг...» (*Марк, 12-боб*).

Биз христианларга Аллоҳнинг ушбу оятини эслатамиз: «**Эй аҳли Китоб** (яхудий ва христианлар), (Исони, алайҳиссалом, худо дейиш билан) динингизда ҳаддингиздан ошмангиз! Аллоҳ шаънига эса фақат ҳақ гапни айтингиз! Албатта, ал-Масих Исо ибн Марям фақат Аллоҳнинг пайғамбари ва Унинг Марямга ташлаган Сўзи ҳамда Унинг томонидан бўлган руҳ (соҳибидир), холос. Бас, Аллоҳ

ва Унинг пайгамбарларига имон келтирингиз! (Худо) учта (яъни, Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух) демангиз! (Бундай ботил эътиқоддан) тўхтангиз, шунда ўзингиз учун яхши бўлур. Ҳеч шак-шубҳасиз, Аллоҳ Якка-Ягонадир. У фарзандлик бўлиш (айбидан) Пок бўлган Зотдир...» (Нисо, 171, мазмуни).

— Ҳозирги Инжилда кейинги замон одамлари киритган сўзлар тўлиб-тошиб ётгани ҳолда, уни «Муқаддас Хушхабар», яъни, илоҳий китоб деб аташ қандай бўларкин?

— Юҳанно баён этган Инжил бундай хотималанади: «25. Исо бажарган бошқа бир талай ишлар ҳам бор. Булар бирма-бир ёзиб чиқилганида эди, ёзилган китоблар оламга ҳам сиғмас эди, деб ўйлайман».

Хулоса каби айтилган бу сўзлар, уни ривоят қилаётган киши ўзидаги кўпгина маълумотлардан қайси бирини танлашни хоҳишига кўра ўзи ҳал этган бир одамдир. У, Исо, алайҳиссалом, ҳақларида унғача келган маълумотлар жиддий қисқартирилганини ҳам тан олмоқда. Тўғри эътиқодли киши назари билан қаралса, инсон номидан гапирилаётган жамики сўзлар, гарчи у инсон жуда улуг ва авлиё зот бўлса ҳам, у сўзларни Худонинг баёнотлари сирасига эмас, балки инсоннинг диний ва маърифий қарашлари сирасига киритиш керак. Агар христианлар Янги аҳдни Худонинг баёнотлари тарзида қабул қилишар экан, ундан ҳаворийнинг Худонинг буйруғига ёки Исонинг таълимотига асосланмай, ўзича айтган сўзларини чиқариб ташлашлари ва солиҳ кишиларнинг ривоятлари деб чоп қилишлари керак эди. Демак, бутун Янги аҳдни «Муқаддас баёнотлар китоби» эмас, фақат «Ривоятлар китоби» деб қабул қилиш керак.

— Бугунги кунда ер юзида биронта ҳам Инжилнинг асл нусхаси йўқ деб эшитдим...

— Биз мусулмонлар, Аллоҳ таоло Исога, алайҳиссалом, Инжил номи китоб нозил қилганига имон келтирамиз, бусиз имонимиз бутун бўлмайди. Лекин ўша илоҳий китобнинг асли ҳозир йўқ. Ҳозир христианлар эътиқод қиладиган ва амал қиладиган асос Инжил тўрттадир:

1. Матто баён этган Муқаддас хушхабар. Бу Инжил энг қадимги Инжиллардан ҳисобланади. У Исодан, алайҳиссалом, тўрт йил кейин, иброний (яхудий) тилида ёзилган. Аммо ўша нусха ҳам йўқ. Ҳозир бори унинг таржимасидир. Таржимони ва қайси матндан таржима қилингани ҳам маълум эмас. Бунинг устига, бу Инжилнинг муаллифи Матто Исонинг, алайҳиссалом, ҳаворийларидан бўлмаган. Кейинроқ уни хоин Яхудонинг ўрнига сайлашган эди. Шундай тарихга эга бўлган ёзувни оддий ишончли китоб дейиш ҳам қийин.

2. Марк баён этган Муқаддас хушхабар. Бу Инжил юнон тилида Исодан, алайҳиссалом, йигирма уч йил кейин ёзилгани аниқ. Аммо ким ёзгани аниқ эмас. Баъзи христиан олимлари: «Уни Пётр ёзган», бошқалари эса: «Уни Пётрнинг ўлимидан кейин Марк ёзган», дейдилар. Бу Инжилни нима дейиш мумкин? Йигирма уч йилдан сўнг, Исо Масиҳ гапирмаган тилда ёзилган, ким ёзгани номаълум китоб муқаддас китоб бўла оладими?!

3. Лука баён этган Муқаддас хушхабар. Бу китоб Исодан, алайҳиссалом, йигирма йил кейин ёзилган. Лука У зотнинг эмас, балки Полнинг шогирди бўлган. Пол ҳам Исони, алайҳиссалом, кўрган эмас. Бунинг устига, Пол яхудий бўлиб, ҳийла билан христианликка қарши бузғунчиликлар қилган. Шундай одамнинг шогирди ёзган китобни муқаддас китоб дейиш мумкинми?!

4. Юҳанно баён этган Муқаддас хушхабар. Бу Инжил Исодан, алайҳиссалом, ўттиз икки йил кейин ёзилган. Баъзи христиан тоифалари: «Уни Исонинг, алайҳиссалом, шогирдларидан Юҳанно ибн Забдий ёзган», дейдилар. Беш юзта таниқли христиан олимлари иштирокида ёзилган Британия энциклопедияси бу китобни «қалбаки китоб» деган экан. Изоҳнинг ҳолати бўлмаса керак!

— Баъзи «зиёлилар» Инжил ва Таврот илоҳий китоблар, уларни ўқиб маънавиятни бойитса бўлади дейишади, сиз бунга нима дейсиз?

Тўғри, Таврот, Инжил ва Забур номида илоҳий китоблар туширилган, лекин у асл матнлар қани? Улар йўқ. Борларини эса, бузиб, бошқатдан ёзиб чиқишган. Бордию ўша асл Таврот, Инжил ва Забурлар сақланиб қолганида ҳам, охириги ҳақ Китоб (Қуръон) тушиши билан уларнинг муддати тугади. Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, Тавротдан хабарлар ёзилган варақ топиб, Расулulloҳга, алайҳиссалом: «Ё Расулulloҳ, мана бу ерда ҳам яхши гаплар бор экан», деганларида, Пайгамбаримиз, алайҳиссалом: «Агар Мусо тирилиб келганида менга эргашиб, Қуръонга амал қилган бўлар эди», деб жавоб берганлар.

— Ҳурматли домла, суҳбатингиз учун ташаккур, Аллоҳ сиздан рози бўлсин. «Ҳидоят» ва унинг ўқувчилари ҳақиқа дуо қилсангиз.

— Барчамизга Аллоҳ таоло фойдали илм, покиза ризқ ва қабул бўлгувчи амаллар берсин. Ўзи рози бўладиган бандаларидан қилсин. Сўзим охирида ушбу оятларни келтирсам: «Эсланг, (эй Муҳаммад, алайҳиссалом) Аллоҳ: «Эй Исо ибн Марям, сен одамларга: «Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни худо қилиб олинглар» деб айтдингми?» деганида, (Исо) айтди: «Эй Пок Парвардигор, ҳаққим бўлмаган нарсани айтиш мен учун дуруст эмас-ку. Агар айтган бўлганимда Сен албатта билар эдинг. Зотан, Сен дилимдаги бор нарсани билурсан. Аммо мен Сенинг ҳузурингдаги ҳеч нарсани билмасман. Фақат Сен Ўзинг ғайб илмларининг Билгувчисан. Мен уларга фақат Ўзинг менга амр қилган гапнигина айтдим: «Парвардигорим ва Парвардигорингиз бўлмиш Аллоҳга ибодат қилингиз!» Ва ораларида бўлган муддатимда уларнинг устида гувоҳ бўлиб турдим. Мени Ўз ҳузуринга чорлаганингдан кейин эса, Сен Ўзинг уларнинг устида Кузатувчи бўлдинг. Сен Ўзинг ҳамма нарсанга Гувоҳдирсан. Агар уларни азобласанг, улар Сенинг (ожиз) бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта, Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат Эгасидирсан» (Моида, 116–118-оятлар мазмуни).

Юсуф АҲМАД
ёзиб олди



Кексалик инсон умрининг энг сокин дав-
ридир. Чунки одам қариганида катта ҳаётий
тажрибага, теран ақлга эга бўлади. Шу ваз-
данми, қарияларнинг кўмаги ва маслаҳатига
ёшлар доимо эҳтиёж сезадилар. Агар ёшлари-
миз меҳнатсевар, ҳалол, диёнатли, эл иши

— Яхши болам, узоқ яшаб, қариликка етай
десанг, кексаларни хурмат қил...

Қариликка етганлар бор, етмаганлар бор.
Қарияларнинг кўнглини чоғ этиб, улар дуо-
сини олганлар асло кам бўлмайди, ниятла-
рига етади.

ҚАРИЛИК ҚАДРИ

учун фидойи бўлиб тарбия топмоқни истаса-
лар, кекса авлод вакилларининг ҳаётий таж-
рибаларидан фойдаланишлари лозим.

Инсон ҳаётини мевали дарахтга қиёс эти-
шади. Ваҳоланки, унга “мўъжизавий” сўзини
қўшиб қўйса ҳам бўлар экан. Чунки у бир мав-
сумнинг ўзида ҳисобсиз куртаклар тугиши, гул-
лаши, кўпдан-кўп мевалар бериши мумкин.
Кексалик эса худди мевалари етилган мўъжи-
завий боққа ўхшайди.

Луқмони Ҳакимдан:

— Нега ҳадеб ўғлингга насиҳат қилавера-
сан? — деб сўрашди.

— Кексаларнинг насиҳатлари ёшлар учун
боғбон ниҳолни тарбия қилгани кабидир, —
деб жавоб берди у.

Инсон дунёга келиб, умргузаронлик қила-
ди, ўсади, улғаяди. Кечаги гўдак, бугун йи-
гит. Вақт ўтиши билан ёшлик ҳам бевафо дўст
сингари ташлаб кетади бизни. Зеро, бу ҳаёт
қонуни.

— Бобожон, — дейди баъзан набирам, — мен
ҳам қариб, сизнинг ёшингизга етсам дейман...

Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам:
“Инсон фарзанди яратилганида ёнида ўлим-
нинг 99 сабаби ҳам бирга яратилади. Агар у шу
сабаблардан халос топиб яшасагина унга қари-
лик насиб этади”, дея марҳамат қилганлар.

Бу инсон зотини фикрлашга чорлайди. Не-
гаки, ёнимизда, маҳалламизда, хокисордек
бўлиб юрган қариялар мана “шу сабаблардан



халос топиб” ўтган кишилардир. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз, соллаллоху алайҳи ва саллам: “Катта ёшдагилар билан суҳбатда бўлинглар, уламолардан масалалар сўранглар ва ҳукамолар билан аралашиб туриглар” деб бекорга айтмаганлар. У зотнинг: “Сочи оқарган мўсафидни ҳурматлаш — Аллоҳни улуғлаш билан баробардир”, деган ҳадислари ҳам бор.

Бу дунёда инсонни қилган яхшиликларию эккан дарахтлари, вояга етказган фарзандлари, тарбиялаган шогирдлари улуғлайди.

Минг афсуслар бўлсинки, қариялар баъзи нодонлар назарида дардисардек, ортиқчадек туюлади. Бирор даврага кирган отахонни, автобусга чиққан қарияни кўрган ёшлар баъзан “уфф” тортадилар. “Қариганда уйда жимгина ўтирса бўлмасмикан-а?” дея нотўғри ўйлайдилар.

Ҳа, ҳаётнинг ўзига хос аччиқ ва ширин томонлари бор. Қариялар эътиборга, меҳрмурувват ва шафқатга жуда муҳтож бўладилар. Киши ёши етмишга етса, ундан ошса инжиқлашиб қолади. Бундай инсонларга кулоқ тутмоқ лозим. Бир пайтлар ишини дўндириб қўйган, энди кексалик туфайли ишга ярамай, хасталаниб қолган отахон ва онахонлар улар. Оилани оёққа турғазган, ўғилқизлар ўстириб, едириб-ичирган, оилам, болам-чақам деб, елиб-югурганлар ҳам шулар.

Кексаликнинг муайян мушкулотлари, мураккабликлари бор. Беморлик, кўз хираланиши, оёқ-бел оғриши, кучдан қолиш, аввалги завқ-шавқларнинг сусайиши, қадамнинг майда, йўллар эса олис бўлиб қолиши... Лекин қариллик палласида кишилар ҳаётга ўзгача нигоҳ билан боқадилар. Сўзлар салмоқли, нигоҳлар вазминлик касб этади. Ҳаётда кўп янглишган ва кўп тажриба ортирган кишиларгина ювош ва мулойим бўлиб қоладилар. Бир ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди: сир-синаотга тўлиқ бу оламнинг ибтидо-интиҳосини англаб-англамай дунёдан кўз юмамиз. Ҳаётда, атрофимизда яхши кишилар борлигидан, улар билан ёнма-ён яшаётганимиздан қувонишимиз керак.

Унутмайликки, имон-этиқодли қариялар бўлмаган жойда яхши тарбияли ёшлар ҳам бўлмайди.

Абдулҳамид ИСҲОҚОВ,

Риштон тумани, «Бўжай» жомеъи

ҚАЛБ ВА АҚЛ ПАЙВАСТА

Тасаввуф таълимотига кўра кўнгил подшоҳ, ақл вазир, ирода ижрочидир. Инсон кўнгил, ақл ва ирода кучи билан аввало ўзини, сўнг оиласини, жамиятни бошқаради. Кўнгил нечоғлик куч-қудрат эгаси бўлмасин, у ақл маслаҳатсиз тўғри иш юрита олмайди. Қалб амри деймиз. Лекин бу ақлга суянмай туриб, кўнгилдан ўтган ҳар ишни бажаравериш керак дегани эмас. Ҳар иш ақл ва илм аралашуви билан тўғри ҳал этилади.

Ақл яшаш тарзимиз мезони, халққа, Ватанга муносабатимизнинг негизидир. Арслон йиртқичлиги билан кучли бўлса, инсон ақл-идроки билан голибдир. Ҳаётда баъзи бир одамлар икки томчи сувдек бир-бирларига ўхшаши мумкин. Лекин, уларнинг сийрати бундай эмас. Ҳар кимнинг ўзига хос феъл-атвори бор.

Инсон ақлу заковати унинг фазилатларида намоён бўлади. Кишининг кўрки юз, тилнинг кўрки сўздир. Аҳли донишлар айтганларидек,


Сўз ичра мудом ақл яшириндур,

Сўз чимилдиғу, ақл келиндур.

Жуда чиройли ва гоят нозик ўхшатиш бу. Демак, инсон доимо ақл-идроки, хулқ-одоби билан эътибор қозонади. Бунга эса яхши илм эгаллаш орқалигина эришиш мумкин.

Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ

Тошкент



МУМИННИНГ МЕЪРОЖИ

ЙИГИРМАНЧИ САБОҚ

Жума намози

Жума намози жума куни пешин намозининг вақтида жамоат билан ўқилади. Жума намози икки хутба, икки ракат фарз намозидан иборат. Булардан олдин ва кейин тўрт ракатдан суннат намозлари ўқилади.

Жума намози муқим, соғ, балоғатга етган эркакларга фарздир. Юролмайдиган чўлоқ, кўзи ожизларга ва мусофирларга жума намозини ўқиш вожиб эмас. Шундай бўлса-да, бу мазкурлар жума намозини ўқисалар, зиммаларидан шу вақтнинг фарзи соқит бўлади. Жума намози фарз бўлмаган кишилар жума куни пешин намозини танҳо-танҳо адо этадилар.

Жума намози фарз бўлган киши жума намозига бормаи пешин намозини ўқиса, намози дуруст бўлса-да, гуноҳкор бўлади.

Жума намозига икки марта азон айтилади. Биринчи азон намоз вақти кирганида айтилади. Бу азондан сўнг тўрт ракат суннат намози ўқилади. Сўнг имом минбарга чиқади ва унинг қаршисида иккинчи азон айтилади. Бу азондан сўнг имом минбарда тик туриб, қавмга қараб иккита хутба ўқийди. Икки хутба ўртасида уч оят ўқилгунча миқдор вақт ўтиради. Иккинчи хутба тугагач, муаззин намоз учун иқомат айтади ва бомдоднинг икки ракат фарз намози каби икки ракат фарз намози ўқилади. Сўнг яна тўрт ракат суннат намози ўқилади. Шу билан жума намози тугайди.

Хутба ўқиган киши жуманинг фарз намозига имом бўлиши лозим. Хутбани бир киши, намозни иккинчи киши ўқиши жоиз эмас. Суннатдан олдинги мавъизани бошқа одам қилса

бўлаверади. Имом минбарга чиққанида нафл намозлар ўқилмайди, сўзлашилмайди. Хутба вақтида қавмининг хатибга қараб қулоқ солиб туриши мустаҳабдир.

Хутбанинг фарзи хутба вақтида Аллоҳ таолони зикр этишдир. Шунга асосан, хутба ниятида ҳамд ё тасбеҳ ё таҳлил айтилса, хутба ўрнига ўтади. Хутбани тик туриб, қавмга юзланиб, эшиттириб қилиш, хутба бошладан олдин ичида таъаввуз айтиш, уни ҳамд билан бошлаб, унда Аллоҳга сано, шаҳодат калимаси, Пайғамбаримизга саловат айтиб, Қуръони каримдан тиловат қилиш суннат амалларидир. Хутбада қавмга панду иршод, мусулмонлар ҳаққига дуо ва икки хутба ўртасида ўтириш ҳам суннат амалларидандир.

Имом бўлишга ҳақли киши жума намозига ҳам имом бўлади.

Тиловат саждаси

Қуръони каримда келган сажда оятларидан бирини ўқиган ё эшитган мукаллаф (намоз ўқиши лозим бўлган киши) тиловат саждаси — бир бор сажда қилиши вожиб бўлади.

Ушбу ўн тўрт сурада — Аъроф, Раъд, Наҳл, Исро, Марям, Ҳаж, Фурқон, Намл, Сажда, Сод, Фуссилат, Нажм, Иншиқоқ ва Алақ сураларида сажда оятлари келган. Барча мусҳафларда сажда оятларини кўрсатувчи ишоралар бор.

Тиловат саждаси таҳорат билан, пок жой ва пок кийимда қиблага қараб қилинади. Тиловат саждаси қилмоқчи бўлган киши тик турган ҳолда, Аллоҳ таолога қуллик ниятида такбир



(“Аллоҳу ақбар”) айтиб, тўғри саждага боради ва саждада уч бор тасбеҳ (“Субҳана роббиял аъла”) айтади. Яна такбир айтиб саждадан бошини кўтаради. Шу билан тиловат саждаси тугайди. Саждадан бош кўтарилганида тик туриб, сўнг ўтириш мустаҳабдир. Тиловат саждасида қўл таҳрима учун кўтарилмайди, ташаҳҳуд ўқилмайди, салом берилмайди.

Пешонасини ерга қўйиб сажда қилишга ожиз бўлган беморлар имо билан тиловат саждасини адо қиладилар. Тиловат саждаси ҳайз ва нифосдаги аёлга, ёш болага ва мажнунга вожиб эмас. Аммо бу мазкурлардан бошқа сажда оятини эшитган мукаллафларга тиловат саждаси вожибдир.

Намозда тиловат қилинган сажда оятдан сўнг яна икки ё уч оят ўқилгач қилинган рукуъ ва сажда тиловат саждаси ўрнига ўтади. Аммо намозда ўқилган сажда оятдан сўнг тўрт оят ўқилса, тиловат саждаси ниятида, намоз ичида, алоҳида рукуъ ё сажда қилиш лозим бўлади. Намозда сажда оятини ўқиб намоз ичида тиловат саждаси қилмаган киши намоздан сўнг уни қазо қилмайди. Аммо уни намоз ичида адо қилмагани учун гуноҳкор бўлади.

Намозда сажда оятини ўқиган заҳоти тиловат саждаси ниятида такбир айтиб, рукуъ ё сажда қилиб, намозни келган жойидан давом эттириш фазилатлидир. Намоздан бошқа ҳолатда ўқилган сажда ояти учун, намоз ўқиш макруҳ бўлмаган, имкони бор вақтда сажда қилиш жоиздир. Бир сажда оятини бир жойда такрор-такрор ўқиган ё

эшитган кишига бир бор сажда қилиш
вожибдир Аммо бир сажда ояти бир неча
жойда ўқилса ё эшитилса, ўқилган ё
эшитилган жой сонича сажда қилиш во-
жиб бўлади.

Сажда ояти бор сура тиловат қилин-
ганида сажда оятининг ўзини ўқимай
қолдириб кетиш макруҳдир.

Сажда оятини ичда ўқиш мустаҳаб
ҳисобланади.

Бемор кишининг намози

Бир кеча-кундуз ичида ҳушини
йўқотган киши, ҳушсизликда ўқиёлма-
ган намозларининг қазосини ўқиши ло-
зим. Агар ҳушсизлиги бир кеча-кундуз-
дан ошса, бу муддатдаги намозларнинг
қазосини ўқиши шарт эмас.

Фарз намозларни туриб ўқишга қув-
вати етадиган кишининг ўтириб ўқиши
ножоиз. Бемор фарз намозларни қодир
бўлган миқдорича туриб ўқиши керак.
Бирор нарсага суяниб тура оладиган бе-
мор фарз намозларни суянган ҳолда, ту-
риб ўқиши шарт. Бу ҳолдаги беморнинг
ўтириб ўқиган фарз намози қабул
бўлмайди. Тик туриб таҳрима айтишга
яраган бемор фарз намози учун ўтириб
таҳрима айтиши мумкин эмас.

Туришга ярамаган бемор намозни
ўзига қулай ҳолда ўтириб ўқийди. Ру-
куъни ўтирган ҳолда энгашиб, сажда-
ни суннатга мувофиқ адо этади. Агар
пешонасида жароҳат бўлиб, уни ерга
қўёлмаса, бурнини ерга қўйиб сажда
қилади.

Рукуъ ва сажда қилишга ярамай-
диган бемор, туришга қодир бўлса-да,
намозини ўтириб, имо билан ўқийди.
Бу ҳолда ҳам намоз ўқишга қурби қол-
маган бемор, ҳушини йўқотмаган
бўлса, намозни мазкур ҳолатлардан
бири билан адо этишга ярагунча ке-
чиктиради.

Намозни туриб ўқиса қироат қила
олмайдиган бемор ўтириб ўқийди. Қиб-
лага юзлантириб қўйувчиси йўқ бемор
ўзи қодир бўлган томонга юзланиб на-
моз ўқиши жоиз.

Нопок ўринда ётган бемор, агар
ўрнини алмаштиришга иложи бўлмаса,
ётган жойида намозини ўқийди, қол-
дирмайди.

Муҳаммад СИДДИҚ

Абдуқодир ҳожи ҚАЙЙУМ

Болалигим

Майсазорлар ястанган овлоқ,
Болалигим ўтган, эй қирлар! —
Қанча йиллар ўтса-да, ҳар чоқ
У дамларни кўнгил хотирлар...
Ўйнар эдим ўз ҳолимча ҳур,
Пастқам девор, эрмак довучча...
Югурардим ўзимда йўқ шод,
Кенг дунёни олиб ҳовучга.
Шудринг эмган ўланлар узра
Оёқларим чопиб толмасди.
Ўйинқароқ шамоллар ила
Баҳс бойлашиб, ортда қолмасдим.
Самоларда завқим кўприги,
Қуёш томон чўзганча қўлим,
Ором билмай, толиқмай сира
Топай дердим келажак йўлим...
Энди тошқин сойдек гулдираб
Ўтган йиллар қатидан маъюс
Изляпман уни дилдираб...



Муҳтож айлама

Эй кўнгил, кел, қувнагин, гам лашқарингни шайлама,
Ё газаб отин миниб, ниқтама, ҳай-ҳайлама.
Бил, мурувват чоғидир, ожиз гадони ҳайдама,
Ё магар қаҳринг келиб, ўч олай деб сайлама,
Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож айлама.

Кимсаи номард экан, ичмагил ҳаргиз ошини,
Ҳар қадамда мақтаниб, олтин санайдир тошни.
Молу давлат ишқида тан олмагай қардошини,
Ёнига борсанг, чимиргайдир қабоғу қошини,
Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож айлама.

Яхши деб номинг чиқар элда ҳалол меҳнат билан,
Меҳнатинг бергай самар журъату суръат билан.
Дейдилар: мақсудига етгай киши ҳиммат билан,
Хонадондан файз кетар жанжал билан, гурбат билан,
Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож айлама.

Қодиро, сўз гавҳарин тер шеърят уммонидан,
Минг шукр бирла мудом рози бўл давронидан,
Ҳеч қачон тарк этмагин, чиқма вафо бўстонидан,
Ой каби нурлар сочиб яхшилик осмонидан,
Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож айлама.





ТИЛИ, ДИЛИ ВА

Биз мўминлар бошимизга бирор мусибат тушганида истиржо айтишга буюрилганмиз: “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибу”, деймиз.

Меҳрибон парвардигоримиз Аллоҳ истиржони биз бандаларига буюк бир неъмат ўла-роқ — ярали-доғли юракларимизга малҳам, кутилмаган кулфатдан гангиган бошларимизга ёруғлик, озурда руҳларимизга куч, гафлат чанглари қоплаган онглариимизга ибратли бир ҳикмат қилиб берган.

Отамиз ё онамиз ёки яқинларимиздан кимдир вафот этса, истиржо айтамыз ва бир қадар енгил тортамыз. Биз киммизу Яратган Эгамиз ким экани, ҳаётнинг мазмуни, моҳияти ёдларимизга тушади, иқрор бўламиз, таслим бўламиз. Шубҳасиз, таслимимиз, аммо ҳар гал янги мусибат чоғи қалбларимиз янгидан ларзага келаверади.

Рамазон ҳайити куни яна шу ҳол такрорланди: бир зумда Тошкент бўйлаб тарқалган “Салоҳиддин ака вафот қилибдилар!” деган хабар биз “Ҳидоят”чиларни ҳам бир титратди, чуқур қайғуга солди. Чунки биз у кишининг зийрак назарларига, қимматли насиҳат ва маслаҳатларига ўрганиб

ДИН ХИЗМАТИДА ЎТДИЛАР

Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Инсон дунёдан ўтгач, унинг амали узилади. Фақат уч нарса орқали унга ўлгандан сўнг ҳам савоб етиб туради: садақаи жория, инсонларга манфаатли илм ва солиҳ фарзанднинг дуоси”, дея марҳамат қилганлар.

Сўз аввалида бу ҳадисни бежиз келтирмадим. Марҳум устоз Салоҳиддин домла билан тўрт йил “Имом Термизий” масжидида бирга ишладик. У кишининг ҳаётлари, қилган холис хизматлари бу ҳадис маъносига тўла мос келади деб биламан.

1. Устоз Салоҳиддин домла Ўзбекистон му-сулмонлари идораси масжидлар бўлимида ишлаган йиллари турли вилоятларда жуда кўп масжидлар очилишига ҳисса қўшганлар.

2. Раҳматлик домламиз Тошкент Исло-м институтида мударрислик қилиб, жуда кўп талабаларга илм ва тажриба ўргатдилар. Бугун юртимизнинг барча вилоятларида домланинг юзлаб шогирдлари бор. Бундан ташқари, домланинг “Оила ва Никоҳ”, “Исломда ўлим ва жано-за масалалари” каби китоблари, марказий

матбуотларда чоп этилган ўнлаб мақолалари ҳалигача қизиқиб ўқилади, фойдаланилади. Яна устознинг “Ҳидоят”, “Усулул фикҳ” каби но-дир китоблар таржимасига бош-қош бўлиб қўшган ҳиссалари салмоқлидир

3. Домланинг фарзандлари ҳам ибодатли, солиҳ фарзандлар эканини эл-юрт яхши би-лади.

Масжидга ишга келган кунлариданоқ дом-ла, илмли кишиларга хос бўлган ҳалимлик, тақво, камтаринлик билан иш юритдилар. У ки-шининг масжид ходимлари ва намозхонларга кўпол гапирганларини ҳеч ким эшитмаган. Тўрт йил ичида масжиднинг ички ва ташқи хонақоҳ-лари тўла таъмирдан чиқарилди. Талабалар-га бешта ётоқхона тайёрланди. Таҳоратхона-лар қайтадан қурилди. Яна бир қанча режалар бор эди...

Ҳар йили Рамазонда хатми Қуръонлар таш-кил қилардилар. Таровеҳ намозлари ўртаси-да Қуръонни тафсир қилиб берардилар.

Хуллас, устоз Салоҳиддин домланинг ҳаёт-лари динни одамларга етказиш, таълим бериш билан, ибодат ва хатми Қуръонлар билан ўтди. Охирги дамлари ҳам арафа кунги хуфтон на-мози ила кечди...

Аллоҳнинг иродаси билан бир ой тўлиқ Ра-мазон рўзасини тутиб покланган ҳолда, ара-фа кундаги хуфтон намозининг саждасида

АМАЛИ БИР ИНСОН

қолган эдик. “Ҳидоят” саҳифаларида мақолалар билан қатнашиб туришдан ташқари, фаол ўқувчимиз ҳам эдилар. Ютуқларимиздан бизга қўшилиб қувонар, бирон-бир камчилик сезсалар ёки баъзи илмий мунозарали масалаларда нуқсонга йўл қўйсак, атай таҳририятга келиб, фикр-мулоҳазаларини билдириб кетар эдилар. Том маъноси-ла олим, том маъноси-ла устоз сифатида мунозара одоби борасида ҳам аввало ўзлари олий даражадаги ибрат намунаси эдилар. Юксак ахлоқ, камолига етган ички маданият қори акаминини салобатли қилиб турарди. Кишининг тили, дили ва амали бир бўлса, қалбидаги имон зиёси юзларда ҳам балқиб акс этишига ёрқин бир мисол эдилар.

Мусулмон диёримиз устоз Салоҳиддин қори Муҳиддин тимсолларида катта бир йўқотишга учради. Таҳририятимиз ходимлари ҳамда кўпминг сонли ўқувчиларимиз помидан оғир қайғуимизни изҳор этамиз ва оила аъзоларига, яқинларига, шоғирдларига таъзия билдирамыз. Аллоҳ раҳматиغا олган бўлсин.

“Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожийун”.

Таҳририят

туйқус товлари қочиб гуноҳлар кечириладиган жума, яъни, ҳайит куни оламдан ўтдилар. Аллоҳ устознинг гуноҳларини мағфират қилиб, қилган барча яхши амалларини ўзларига ҳамроҳ айласин. Омин.

Иброҳимжон УЗОҚОВ,
“Имом Термизий” жомеъи

ПОКИЗА ҚҶЛ БИЛАН

Аллоҳнинг дўстлари — валийлар ҳақидаги китобларни ўқиганмиз, ҳикояларни эшитганмиз. Уларнинг ажабтовур ҳаёт тарзларидан ҳайратланганмиз. Қилган амалларининг юки оғирлигидан, ибрат олишга нафсимизда оғирлик туйиб, уларнинг мақоми ҳамма ҳам чиқа билмайдиган юксак доvon эканларини тан олганмиз.

Устоз Салоҳиддин домланинг вафотларидан кейингина, у киши ҳам орамизда юриб, ҳаммамизга ўрнак бўлиш билан вазифаланган, бизнинг дунёдан бир поғона юқори яшаган Аллоҳнинг дўсти эканини билиб қолдик.

Домлани таниганлар, шоғирдлари, мана,


неча кунки, устознинг фазилатларини санаб, яхшиликларини хотирлаб, нақадар ибратли инсондан ажраганимизни ҳис қилиб турибмиз...

Ўзаро суҳбатларимиздан шу нарса маълум бўлдики, домла Исломи маъҳадида ишлаган ўттиз йил давомида бирор кимсага қаттиқ гапирмаган эканлар. Талабаларнинг ҳаққига ниҳоятда қаттиқ риоя этардилар, эшитишимизча, бирор марта сабабсиз дарс қолдирмаганлар. Ўзим гувоҳ бўлганим: бир куни домла кўнгиноқ қилиб қолдилар: “Мубашширхон, бир иш билан ушланиб қолдим, дарсга ўн минутча кечикаман, шуни ҳисобга олиб қўясизлар”, дедилар.

Ишга масъулият билан муносабатда бўлиш, ҳар бир айтилган сўзнинг жавобгарлигини ҳис қилиш домланинг шиорлари эди. Айтиш жоизки, устознинг муҳолифлари йўқ эди. “Муҳолиф” сўзи арабчада икки томоннинг ўзаро зиддияти, келишмовчилиги маъноси-и англатади. Фазилатлари учун устозни бировлар ёқтирмаган бўлиши мумкин, лекин ўзлари ҳеч кимни ёмон кўрмасдилар.

Мисрликлар ўтганлар ҳақида кўпинча: “Марҳум Аллоҳ ҳузурига покиза қўл билан кетди”, деган иборани ишлатишади. Устоз Салоҳиддин домла ҳам шундай покиза қўл, ёруғ юз билан кетган инсонлардан биридирлар.

Мубашшир АҲМАД,
Тошкент Исломи институти



Фидокорлик ҳайвонот дунёсига ҳам хос хусусиятлардан биридир. Барча жонзотларнинг боласи туғилганида парвариш ва ҳимояга муҳтож бўлади. Ҳар қандай она ҳайвон боласи учун жонини фидо қилишга ҳам тайёр туради.

Боласига бирор хатар таҳдид қилса, энг ювош ҳайвон ҳам жуда важохатли тус олади. Кўнгилсиз ҳодиса рўй берганида биринчи навбатда боласини нотинч жойдан узоқроқ олиб кетади, қочишга имконият бўлмаса, ҳеч иккиланмай, ўзини хавфга қўйиб бўлса ҳам, боласини сақлаб қолади.

Зебрага ўхшаш йирик сут эмизувчилар сиртлон ёки бошқа йиртқичлар ҳужум қилганда, дарҳол гуруҳларга бўлинадилар ва қулунларини қуршовга олиб қочадилар. Қўлга тушиш хавфи туғилса, подадаги катта урғочи зебралар болаларини мардонавор ҳимоя қиладилар.

Жирафалар душманни олдинги оёқлари билан тепиб, болаларини ҳимоя этади.

уларнинг бошпанасини сезиб қолса ва қочишга имкон бўлмаса, бу жониворлар важохатли тус олиб, душманни болаларидан узоқлатишга интилади. Масалан, энг кўрқоқ ҳайвон ҳисобланган қуён болаларига душман ҳавф солганда, уясига югуриб келиб, бақувват орқа оёқлари билан рақибини тепади. Шу тарзда у болаларининг ҳаётини сақлаб қолади. Маълумки, йиртқич ҳай-

ОЖИЗЛАРНИНГ

Энг ҳуркак жонивор бўлган кийик ҳам хавфли вазиятда, агар болалари ёнларидан бўлса, уларни тулки ёки бўридан ўзларининг ўткир ва кескир туёқлари билан муҳофаза қиладилар.

Ожиз ва кичикроқ сут эмизувчилар одатда болаларини ишончли ва пана жойга яширадилар. Бироқ ганим

вон ўлжасининг орқасидан ташланади. Шу боис оҳулар болаларини хатардан сақлаш учун кўпинча орқа тарафда юрадилар. Кутилмаганда ортдан чиябўри ташланиб қолса, оҳу туёқларини ишга солади.

Қушларда ҳимоя янаям ўзига хос. Масалан, айрим қушлар учун чағалайлар хавфли ҳисобланади. Галага чағалайлар ҳужум қилгудек бўлса, катта қушлар галанинг тинчлигини сақлаш учун уларга ташланадилар. Бундай “қўриқчилик” галада навбат билан амалга оширилади.

Айрим жониворлар болалари ҳимояси учун ҳийла ҳам ишлатадилар. Масалан, йўлбарс овчи яқинлашаётганини кўрса, дарҳол болаларидан узоқлашиб, овчининг эътиборини ўзига қаратади. Ёки есот деган мўйнали ҳайвонни олайлик.



Бу жонивор душман келатганини сезса, ўша заҳоти болаларини энг яқин дарахта олиб чиқиб қўяди ва тезликда ерга тушади. Фанимини орқасидан эргаштириб, маълум жойгача олиб боради ва хавф узоқлашганини кўргач, шитоб билан қоча бошлайди.

Баъзи қушлар ўзини ярадорга ўхшатиб душманини чалғитади. Мода қуш уяга яқинлашаётган рақибини



рашмаганида, бутун бошли тур йўқ бўлиб кетарди. Аммо онгсиз, меҳрибонлик ва раҳм-шафқат туйғуларига ёт жониворларни бундай оқилона иш юритишга ким йўллапти? Фикрлаш қобилияти йўқ мавжудот қандай қилиб гоят мукамал тизимга кўра ҳаракат қилаётир?

Албатта, жонзотларга бу қобилиятни Аллоҳ таоло ато этгандир. Ер юзидаги бошқа нарсалар каби улар ҳам Аллоҳнинг иродаси билан ҳар-

кат қиладилар. Ҳақ таоло бу тилсиз жониворлар орқали ўзининг чексиз

ФИДОКОР ҚУДРАТИ

кўрса, уясидан узоқлашиб, пастга тушади. Қанотини ерга уриб, яраланганга ўхшаш овоз чиқара бошлайди. Айни чоқда эҳтиёткорликни ҳам унутмайди, рақибини билан орасидаги масофани сақлаб туради, душмани унга ташланиши билан учиб кетади.

Қушларнинг кучук, мушук, илон каби фанимларини алдашда жуда қўл келадиган бу “саҳна кўриниши” кишини ҳайратга солади. Ҳатто ҳозирги замон олимлари ҳам бу ҳолатни тўлиқ изоҳлаб беролган эмас.

Балки буни қушларнинг ўзи ўйлаб топаётгандир? Одатда душман руҳиятини билиш учун билим ва жуда аниқ ахборотга эга бўлиш керак. Устига-устак, ўйлаб ҳам ўтирмай душманинг олдига ўзини ташлаб, қувлашга мажбур этиш учун қушларга чексиз матонат ва

жасурлик лозим. Бироқ лол қоларли томони, қушлар ҳеч кимдан ўрганмаганлари ҳолда, туғилганларидаёқ бу маҳоратга эга бўладилар.

Ҳайвонот оламида бу каби мисоллар кўп. Чунки ер юзида милёнга яқин жонзот мавжуд бўлиб, ҳар бири фақат ўзигагина хос ҳимоя услубига эга.

Агар жониворларнинг лоақал бир авлоди зурриёдини ҳимоя қилиш учун ку-

марҳамати ва меҳрибонлигини кўрсатиб туради. Ҳашр сураси 24-ояти мазмуни бундай: **“У — Аллоҳ яратувчидир, (йўқдан) бор қилувчидир, (барча нарсага) сурат-шакл берувчидир. Унинг гўзал номлари бордир. Осмонлар ва ердаги барча нарса Унга тасбеҳ айтур. У қудрат ва ҳикмат соҳибидир”.**

Маҳмуд МАҲКАМ
таржимаси



ҚИЗИҚАРЛИ ҚОИДАЛАР

(Охири. Боиланиши ўтган сонларда)

Асосий қоида:

«Хар қандай зарар шариатга биноан кетказилади».

Маъноси: бу қоида асосида Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бировга зарар бериш ҳам йўқдир”, деган ҳадиси шарифлари ётади. Бу қоидани Ислош шариатининг умумий руҳи ҳам қувватлайди.

Шунга кўра, айтиш мумкинки, динимизда бировга зарар-зиён етказиш ёки ўзига етказилган зарарга бошқа бир зарар билан жавоб бериш ножоиздир.

Мисол: Бировнинг молига талофат етказган кишининг молидан (талофат етказиш ўрнига) товон ундирилади. Акс ҳолда, зарар кўрганлар сони ошар эди (бу эса, мумкин эмас).

Мисол: Ернинг ижара муддати ҳосил ўримидан олдин тугаб қолса, ер кўшимча ҳақ тўлаш муқобилида ижарага олган киши қўлида қолдирилади (зарар кўрмаслиги учун).

Тобъ қоидалар:

а) Зарарни зарар билан кетказилмайди.

Маъноси: Инсон ўзидаги ёки бошқадаги зарарни кетказиш учун худди шу зарарга тенг бошқа зарарга қўл уриши жоиз эмас.

Мисол: Очликдан азоб чекаётган одам, худди ўзи каби бир бечоранинг нонини тортиб олиши мумкин эмас.

Мисол: Қотилликка мажбурланган киши ўз жонини сақлаш учун ўзга инсон жонига қасд қилиши жоиз эмас.

б) Оғирроқ зарардан сақланиш учун энгилроғи қилинади.

Маъноси: Иккита зарар тўқнаш келиб, уларнинг қайси биринидир қилишдан ўзга чора қолмаган ҳолатда энг энгили танлаб олинади.

Мисол: Очликдан ўлаётган кишига ҳаром нарсдан бир оз ейишга рухсат берилган. Чунки ҳаром нарсани ейиш ўлимдан энгилроқдир.

Мисол: Намоз ўқимоқчи бўлган киши таҳорат олишдан ёки авратини ёпишдан ёки қиблага юзланишдан ожиз бўлса, имкониётига мувофиқ намоз ўқийди. Чунки мазкур шартларни тарк этиш, намозни тарк этишдан энгилроқдир.

в) Умумий зарарни даф этиш учун хусусий зарарга қўл уриш жоиз.

Маъноси: Баъзида умумнинг (кўпчиликнинг) бошига келган ёки келиши аниқ бўлган зарарнинг олдини олиш учун хусусий зарарга (яъни, битта ёки маълум бир шахсларга етадиган зарарга) қўл урилади.

Мисол: Агар кимдир бировни ноҳақдан ўлдирса, бошқаларнинг ҳам бошига мана шундай кун тушмаслигини таъминлаш учун қотил ўлдирилади.

Мисол: Кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қилувчи савдогарлар нархларни инсофдан ташқари қиммат (кўпчиликка зарар) қилиб юборсалар, нархларга давлат-ҳукумат томонидан чегара қўйилади (савдогарнинг бир ўзига зарар).

г) Фойдани жалб қилишдан кўра, зарарни даф этиш муҳимроқ.

Маъноси: Баъзан бир ишнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ ёки фойда-зарари тенг бўлади. Бундай ҳолларда мазкур ишга йўл қўйилмайди.

Мисол: Ўз мулкидан фойдаланиш ўзгаларга зарар етказадиган бўлса, мулк эгасига ундан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Мисол: Кофирларнинг худоларини — бутларини сўкишдан тийилган маъқул, чунки улар ҳам жавобан Аллоҳ таолони сўкишлари мумкин.

Асосий қоида:

«Урф-одат эътиборлидир».

Маъноси: Маълумки одамлар кундалик ҳаётда амал қиладиган расм-русумлар, ишлар, гаплар урф-одат дейилади. Кўп ҳолларда ўзаро низоларни ҳал этишда ораларида кенг тарқалган мана шу урф-одатлардан фойдаланилади. Лекин шуни таъкидлаш зарурки, урф-одат сира ҳам шариат қонунларига хилоф келмаслиги керак, акс ҳолда, бундай урф-одат эътиборсиздир. Шунингдек, ҳал этилаётган масала юзасидан шариатда махсус кўрсатма берилмаган бўлсагина, бундай урф-одат ҳисобга олинади. Урф-одатларга кўра жорий бўлган ҳукмлар замон ўзгариши билан ўзгара боради.

Мисол: Одамлар тўй, зиёфат ва тантаналарда турли спиртли ичимликлар ичишга одатланиб, бу ишлар одат тусини олган бўлса-да, бу одат шариат тарафидан ман этилган одатлардандир. Ёки марҳумга атаб ўтказиладиган “уч”, “етти”, “йигирма”, “қирқ”, “эллик икки” каби маросимлар кишилар ўртасида урф-одатга айланган бўлса-да, улар шариатга зиддир, тақиқлангандир. Бундай масалалар юзасидан шариатнинг ўз кўрсатмалари бор, ўшаларга кўра амал қилинади.

Мисол: Одамларнинг “гўш” деганда мол ёки қўй гўштини, “пул” деганда ўша давлат пулини тушунишлари ҳам уларнинг одатларига киради.

Тобъ қоидалар:

а) Одат қилинган маъно сўзнинг асл маъносидан устундир.

Маъноси: Сўзларнинг асл ва кўчма маънолари бўлади. Одамлар ораларида кўпроқ у ёки бу маънода қўлланадиган сўз тилга олинганида ўша маъноси дарров зеҳнга келади. Зеҳнга дарров келган мана шу маъно, яъни, инсонлар одатланиб қолган маъно бошқа маънолардан устундир.

Мисол: Бир одам: “Мен мана бу дарахтдан ейман”, деса, бу дарахтнинг танаси эмас, балки меваси назарда тугилаётган бўлади. Чунки одатда дарахт эмас, унинг меваси ейилади.

Мисол: Бир киши: “Мен фалончиникига қадам қўймайман!” деб қасам ичса, бу сўздан хоҳ оёқяланг, хоҳ туфлида, хоҳ отда, хоҳ пиёда бўлсин, ичкарига умуман кирмаслик тушунилади. Гапнинг асл маъноси — остонада туриб ичкарига қадам қўйишгина тушунилмайди. Чунки буни одат қувватламайди.

б) Китоб — хитоб.

Маъноси: Одатда инсонлар маълумот алмашиш учун бир-бирлари билан сўзлашадилар, бир-бирларига хитоб қиладилар. Агар узоқроқда бўлсалар, ёзма равишда (хат, телеграмма, факс) ахборот алмашадилар. Мана шу ёзма усулда ахборот алмашиш “китоб” усули дейилиб, у хитобга, яъни, ўзаро сўзлашиб ахборот алмашишга тенгдир.

Мисол: Тошкентлик одам самарқандлик одамга хат ёзиб, Самарқанднинг фалон жойидаги уйини унга фалон пулга сотганини айтса, хатни олган одам ҳам розилик билдириб хат йўлласса, савдо амалга ошди ҳисоб.

Мисол: Бир киши фалончини никоҳига олганини билдириб хат жўнатса, хотин бўлмиш ҳам гувоҳлар ҳузурда хатдаги фикрга розилигини билдирса, бошқа шартлари ҳам топилган тақдирда, никоҳ ақди тузилди ҳисоб.

Асосий қоида:

«Сўзга маъно бериш уни маъносиз қолдиришдан аълодир».

Маъноси: Ҳар қандай сўз борки, муайян маънони ифода этади. Эшитувчи эса айtilган сўзни ҳар хил тушуниши ва шунга кўра иш тутиши мумкин. Баъзида айtilган сўз икки нарса ё ҳолатга далолат қилади. Биринчи ҳолатда бу сўз маъносига эга бўлса, иккинчи ҳолатда маъносиз бўлиб қолиши мумкин. Бундай пайтларда, агар иложи бўлса, сўзни биринчи ҳолатга — маъно берадиган ҳолатга буриш керак.

Мисол: Бир киши: “Мен мана бу дарахтдан ейман”, деса, бу сўзни “Мен бу дарахтнинг айнан ўзини ейман”, деб ҳам, “Бу дарахтнинг мевасидан ейман”, деб ҳам тушуниш мумкин. Биринчи ҳолатда сўз маъносиз (чунки инсон дарахтнинг танасини емайди), иккинчи ҳолатда эса маъноли, шунинг учун бу сўз маъноли иккинчи ҳолатига бурилади.

Мисол: Бир эркак насл-насаби аниқ бўлган хотинини “қизим” деса, унинг бу гапи маъно-

сиз ҳисобланади. Сабаби : унинг бу сўзини маъноли тамонга буриш мумкин эмас. Бу сўзнинг ҳақиқий маъноси ҳам, кўчма маъноси ҳам эрхотинлик муносабатларига тўғри келмайди.

Тобъ қоидалар:

а) Сўз аввало ўзининг асл маъносига бурилади.

Маъноси: Юқорида айtilганидек, ҳар сўзнинг асл ва кўчма маънолари бўлади. Айtilган вақтда, аввало, унинг асл (ҳақиқий) маъноси тушунилиши, агар бунинг иложи бўлмаса, кўчма маъноси тушунилиши керак.

Мисол: Мана бу киши шердир дейилса, аввало, шер сўзининг асл маъноси, яъни, ўрмондаги йиртқич ҳайвон тушунилади, бироқ мазкур ҳолатда бунинг иложи йўқ. Шунинг учун унинг кўчма маъноси (ботирлик, жасурлик) тушунилади.

Мисол: Бир одам иккинчисига: “Бу сизга совға”, деб бирор нарса берса, кейин: “Мен сотишни назарда тутган эдим”, деб пул талаб қилса, сўзи қабул қилинмайди. Чунки “совға” сўзининг асл маъноси эваз олишни рад этади.

б) Бўлинмас нарсаларнинг бир бўлагини тилга олиш уларнинг барчасини тилга олиш билан баробар.

Маъноси: Шундай нарсалар борки, уларни бўлақларга ажратиб бўлмайди (мисол учун, одамни). Биз “бир қоп ун”, “ярим қоп ун” деган сўзларни эшитганмиз ва тушунаемиз. Бироқ “бутун одам”, “ярим одам”, “учдан бир қисм” деган сўзларни эшитмаганмиз. Чунки инсонни қопдаги ун, шаккар ёки пиёзни бўлгандек бўлиб бўлмайди.

Шунинг учун унинг бир бўлагини тилга олиш унинг бутунини тилга олиш билан тенг.

Мисол: Бир одам бошқасига “Сенинг оғзинг ҳаромхўр” деса, бунинг маъноси “Сен ҳаромхўрсан”, дегани бўлади.

Мисол: Эр: “Хотинимнинг ярми талоқ”, деса, хотин тўлиқ талоқдир. Ёки: “Хотиним ярим талоқ”, деса, хотини бир талоқдир. Ва ҳоказо.



Абдул ЖАЛИЛ

Озод ҳилпирадинг найза учида**Бугро Туя**

Абу Жаҳл келаверди қўлида тош,
Юрагида қурган эди иблис уя.
Расулulloҳ қўяр экан саждага бош,
Ўқдай учиб тушди кўкдан Бугро Туя.

Абу Жаҳл! На бу даҳл?
Чекил, нопок!
Сен дунёга тиргак билдинг зўру зарни.
Наҳот сенинг ифлос илкинги этса ҳалок
Саждага бош қўйиб турган Пайгамбарни?

Қайт ортингга, Абу Жаҳл! Аҳдингдан кеч!
Тошни ташла! Чекил! Тислан, ҳасад қули!
Сенинг чиркин чангалингда сўларми ҳеч
Имон нури, Ҳақ расули — башар гули!

Ранги ўчди, титроқ босди нобакорни,
Бўшашди, бор вужудидан қочди мадор.
Шум ниятда яна илдам юрса борми,
Бир хас каби янчиб ташлар эди-ку Нор.

Қалби сўқир тўда шундай бўлди-да мот,
Абу Жаҳл қазиб олди ўзига чоҳ.
Ҳақ йўл тутган банда шаксиз топгай нажот,
Золимларни шундай абгор этар Аллоҳ.

Қасд қилганлар қолаверди кўкси куя,
Қанот қоқиб учди-кетди Бугро Туя.

**Иблис фарёди**

Иблис алайҳиллаъна
Фарёд бошлади яна:
«Тингла, ғофил оломон!
Муҳаммаддур кўп ёмон!
Бутун аҳли Минонинг
Тўкарман дея қонин
Лашкар тўплай бошлади!
Юз-хотирни ташлади!»

Ҳамма ухлар, Ярим тун.
Тинмай чинқирар малъун:
«Аҳли Мино, уйғонинг!
Қасос ўтида ёнинг!
То гуриллаб кетмасин
Муҳаммаднинг фитнаси!
Тутинглар-да уринглар!
Уринглар — ўлдириглар!»

...
Саҳобаю ансорлар,
Аҳдига вафодорлар
Билмадилар бу не сир,
Дилларида хавотир...
Расул дер: — Аҳд қилингиз!
Бу иблисдур, билингиз!
Сиз байъат берган они
Куйиптур хонумони!
Бу оқшом доди битмас,
Сиздан ўзга эшитмас,
Тез орада, эй малъун,
Келар сен фош бўлар кун:
Ҳар бир макринг, ёлғонинг,
Ҳар тухматинг, бўҳтонинг...
Не илон бор қўйнингда —
Сиртмоқ бўлар бўйнингда!..

Норасида жон

Бир зот келди саҳобалардин
Гуноҳ ювай деган ниятда:
— Мен бир чоҳга гўдак қизимни
Ташлаб эдим жоҳилиятда...

Чоҳ устига бордилар Расул:
— Аллоҳ ҳаққи, сўзла, эй фалон!
— Лаббайка, ё Расулulloҳ! — деб
Чиқиб келди норасида жон.

— Отанг, онанг яхшилардандир,
Тавба қилар ээнди гуноҳдан.
Истасанг гар улар қошига
Қайтарай-да, қутқарай чоҳдан.

— Истамайман, ё Расулulloҳ,
Дея бир зум уйга толди-да,
Шивирлади: — Ҳар яхшиликни
Топдим улуг Аллоҳ олдида...

Савр тоғидаги ғор

Уч кун меҳмон қилдинг Расулulloҳни,
Уч кун зўр ҳадик-ла урди юрагинг.
Қандай кўтарардинг ахир гуноҳни —
Аллоҳ иши учун йўқса керагинг?

Абу Бакр Сиддиқ не озор чекди?
Расулulloҳ сураб муборак малҳам.
Остонангда ниҳол унмиш. Ким экди?
Қайдан учиб келди кабутарлар ҳам?

Неча бор эмаклаб келди изчилар,
Деди: — Ахтарилган одам шу горда!
Аммо гор ичига ким кира билар
То изн йўқ экан Парвардигордан?!

Расулulloҳ унсиз дуо қилдилар
Фуҳайра, Абдуллоҳ билан Асмони.
Абу Бакр Сиддиқ шунда билдилар —
Савр гори бўлмиш — Сабр қўрғони!

Ёнди гор оғзини “пўлат арқон”лар,
Дилда гидир йўқдир асли паноҳдан.
Расул ибодатдан бўшаган онлар
Йўларди, йўл изнин кутиб Аллоҳдан.

Гарчи беришгайдур мингта норгуя,
Излаб, жар чақириб гарчи толмаслар,
Токи остонада — кабутар уя
Сабр қўрғонига кира олмаслар...



Умми Маъбад уйида

Умми Маъбад, зорланма ҳеч йўқчиликдан,
Сенга Аллоҳ тарафидан эҳсон келди.
Остонангни ҳатлаб азиз меҳмон келди,
Пойқадами дарак берар тўқчиликдан.
“Бисмиллоҳ” деб ориқ-тирриқ ва кўтарам.
Совлигингни меҳр бирла силганди,
“Баракот бер, ё Аллоҳ”, деб тилаганди,
Елин тўлиб, чотга сигмас бўлди шу дам.
Ким экан бу — бунча нурлик юзи-кўзи,
Ким экан бу — бирам хушдир сўзлашлари?
Сут соғиши, уй эгасин сизлашлари...
Ўзгаларни сийлади, сўнг ичди ўзи.
Сеҳргар деб ўйлама ҳеч, чопма фолга,
Идишларинг сутга тўлгур, Умми Маъбад!
Хонадонинг кутга тўлгур, Умми Маъбад!
Меҳмонингни таърифлаб бер Асқам чолга!
Умми Маъбад, зорланма ҳеч йўқчиликдан.
Сенга Аллоҳ тарафидан эҳсон келди.
Остонангни ҳатлаб азиз меҳмон келди,
Пойқадами дарак берар тўқчиликдан...

Суроқа воқеаси

Хабар келди. Бирданига
Икки ўлжа олай дединг.
Мўминларнинг гарданига
Шартта қилич солай дединг.



Қистадинг — от қоқилди, шул
Замони ошдинг умбалоқ.
Қуръон ўқиб борар Расул,
Чиранма, унга ос қулоқ!

Тағин-да келди нафсинг зўр,
Жаҳолат сенга бошмикан?
Бу не ҳолдур, ажабо, кўр —
Тулпоринг киймиш тош кишан?

...
— Мен Суроқа ибн Молик.
Кечдим — ният эрди қора!
Ё Муҳаммад, сўра, Холиқ
Отим озод этса зора!..

Даф этурман тажовузни,
Гарчи шайтон қутқу қилар.
Оргингизда энди сизни
Бўлмас тақиб этгувчилар.

Ризо бўлди Расулulloҳ,
Бўшалди, турди тулпоринг.
Асли-ку, отда не гуноҳ,
Эй Бани Мудлиж шунқори!

Не амал тутсанг-да сен,
Аллоҳга айтгин офарин —
Қасд қилиб чиқсанг-да сен,
Дўст бўлиб қайтдинг, офарин...



Ҳазрат Бурайданинг дастори


Эзгулик ҳикмати, дўстлик асрори,
Кўнгли каби тоза, ниятидай оқ —
Ҳазрат Бурайданинг дастори,
Ислому оламида табаррук байроқ!

Озод ҳилпирадинг найза учида,
Беозор оққушнинг қаноти мисол.
Сени юксалтирган имон кучи-да,
Сени гуркиратган — муқаддас шамол.

Чорла саҳрода ҳар кезган гумроҳни,
Ҳабиб мўл бўлса соз иқбол онлари.
Ахир учмоқдасан Расулulloҳни
Интиқ кутаётган юраклар сари!

Сени соғинмишдир Макка осмони,
Ҳазрат саҳобалар — жафокаш зотлар.
Сени кутмоқдасан азизлар қони —
Муборак юришлар — қутлуғ ғазотлар!

Саодат мулкида тоабат порла,
Сени топтай билмас йиллар оёғи.
Асрларни ёрит мангу виқор-ла
Эй Расул ҳижратин нурли маёғи!



Дебоचा

Эр-хотинлик муносабати бир асосга — муҳаббат ва меҳрга таянади. Рум сурасининг 21-оят мазмуни шундай: “Қалбингиз боғланиши учун сизларга ўз жинсингиздан жуфтларни яратиши ва ўрталарингизда меҳр ва муҳаббатни солиши унинг рубубияти далилларидандир”.

Бу асос бор ва мустақкам бўлганида эр-хотинлик ҳаётига, ўртада келишмовчилик чиққанида ҳам, хавф-хатар етмайди. Агар Аллоҳ таоло эр-хотинга бардош ва чидамни бермаганида улар асло бирга яшай олмасдилар.

Аммо мазкур асос бўш ва заиф бўлса, эр-хотинлик муносабатларига хавф-хатар етиши кучаяди. У асос йўқолганида эса, муносабат бутунлай бузилади ва узилади. Чунки муҳаббат қалбни тарк этса, ўрнига нафрат жойлашади. Сўнг эр-хотин бир-бирига меҳр-муҳаббат ва сабр-бардош билан эмас, балки кўпол ва дағал муомала қила бошлайди. Бир-бирини сўкишга, ҳақоратлашга ўтади.

Бу ўринда шуни билишимиз зарур: инсонлар ўртасидаги муносабатлар асоси муҳаббатдир. Бошқача айтсак, ўзгаларга нафрат ва адоватдан қалбнинг холи бўлишидир. Ўзгалар нафратга боис иш қилганида, муҳаббат нафратга айланади.

Эр-хотин бирга яшашга рози бўлган, қалблари бир-бирига муҳаббат, меҳр, эзгулик ва севги билан тўла эркак ва аёлдир. Улар шу асосда турмуш қуради, яшайди ва бирга умр ўтказди. Агар ўрталаридаги аҳвол

Муҳаммад АҲМАД КАНЪОН

ЭР-ХОТИНЛИК АСОСЛАРИ

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

ўзгарса, муносабат бузилса, демак, бунга сабаб бўлган ҳақорат уларнинг бирларидан ногоҳ содир бўлиб, иккинчисини ранжитган ва дилсиёҳ этган бир иллат бўлиши керак.

Жамиятнинг дардларини яшириш, унинг зарарли уруғларини беркитиш, ўзини овутиш, алдаш ва ўзгаларни лақиллатиш билан даволаб бўлмайди. Даво тўғри ва фойдали бўлиши учун қўлни жароҳатга қўйиш, касални билиш ва унинг сабабларини топиш, оғир зиёнларини баён этиш, сўнг фойдали муолажа ва дориларини кўрсатиш керак бўлади. Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан, шундай қилишга уринамиз.

Эр-хотинлик муносабатининг бузилишига энг катта сабаб эр-хотиндан бирининг иккинчисига озор етказишидир. Озор сабабсиз етказилмайди. Сабабларнинг энг каттаси эркаклар билан аёллар ўртасида кечаётган эркин ва очик муносабатдир.

Бу мавзунинг ёритиш учун эркаклар билан аёллар ўртасида турли соҳалардаги муносабатлар кўринишларини ва эр-хотинлик ҳаётини бузувчи манбаларни ўрганиб чиқдик. Натижада қуйидаги сабабларни аниқладик.

Биринчиси: Кўзни тиймаслик. Аллоҳ таоло инсон вужудининг баъзи жойларига қарашни ҳаром қилган. Ўша жойларга қарашдан кўзни тийиш одамни жуда кўп ёмонлик ва зарарлардан тўсадиган биринчи қалқондир. Аллоҳ азза ва жалла бизларга — эркак ва аёлларга кўзни тийишни амр қилишининг сабаби ҳам шу.

Нур сурасининг 30 — 31-оят-



лари мазмуни бундай: “Мўмин эркакларга айтинг: кўзларини тийсинлар ва авратларини сақласинлар! Бундай қилиш гуноҳдан сақланишлари учун яхшидир. Аллоҳ таоло уларнинг амалларидан хабардордир. Мўмина аёлларга айтинг: кўзларини тийсинлар ва авратларини сақласинлар. Кафт ва юзларидан ўзга зийнат жойларини кўрсатмасинлар!”

Ҳеч ким “қараш” ва “кўз ташлаш” масаласига бепарво бўлмаслиги керак, зеро, қараш ва кўз ташлаш жуда кўп бузуқликларнинг калитидир. Ёт аёлга кўз ташлаб, уни ёқтириб қолганидан ўзининг хотинига хиёнат қилган ёки талоғини бериб юборган ё ҳаёти бузилиб, уйдан кетиб қолган эркаклар озми? Ўзга эркакни севиб унга моил бўлганидан эрига хиёнат қилган ёки оила ва бола чақасини ташлаб кетган аёллар-чи? Шунинг учун Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, “кўз ташлаш”дан — маҳрам бўлмаган аёлларга қарашдан қайтарганлар. Жарир ибн Абдуллоҳ, розийаллоҳу анҳу, айтдилар: “Мен Расулуллоҳдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, “бехосдан қараш” ҳақида сўрадим. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кўзингни четга бур”, дедилар (*Муслим, Абу Довуд, Термизий ривоятлари*).

Бу, гуноҳ қилмайин десанг, кўзинг бехосдан тушган нарсага диққат қилма, демакдир.

“Бехосдан қараш” бирор кишига қасдсиз кўз тушишидир. Қасд бўлмаганидан, бундай кўз тушишида гуноҳ бўлмайди. Муслим, Абу Довуд, Насоий Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу,

ривоят қиладилар: “Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтдилар: “Зинодан одам боласига улуши белгиланган. Унга шубҳасиз этади. Қараш икки кўзнинг зиноси, эшитиш икки қулоқ зиноси, сўз тилнинг зиноси, ушлаш қўлнинг зиноси, юриш оёқ зиносидир. Қалб мойил бўлади ва орзу қилади. Уни фарж тасдиқ қилади ё бекорга чиқаради”.

Зино эр-хотин бўлмаган эркак билан аёлнинг бир-биридан баҳра олиши, лаззатланишидир. Бу лаззатланишда инсоннинг ҳамма аъзолари иштирок этади. Шундай экан, ҳадисда келганидек, ҳар бир аъзонинг зинодан улуши бор. Аммо аъзоларнинг зиноси ҳали улкан гуноҳ эмас, улкан гуноҳ фарж зиносидир ва бу ҳақиқий зинодир. Одатда “зино” дейилганида ана шу тушунилади.

Иккинчиси: Аёллар билан қўл ушлашиб саломлашиш. Қўл ушлашиб саломлашиш, аввало, эр ва аёл жисмининг бир-бирига тегиши бўлгани учун ҳам ҳаромдир, ножоиздир, фитна ва бузуқликларнинг бошидир.

Барча уламолар эркак ва аёлнинг бир-бири билан қўл ушлашиб саломлашишини ҳаром дейишган. Агар бу мумкин бўлганида Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, муҳим ишда — Аллоҳ таолога ширк келтирмаслик, ўғрилик қилмаслик, фарзандларини ўлдирмаслик, эридан бўлмаган фарзандларини ундан бўлди деб даъво ва бўҳтон қилмаслик, Расулulloҳга хайрли ишларда бўйин товламаслик борасида байъат олаётганларида шундай қилган бўлардилар. Ҳолбуки, Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, аёлларнинг байъатларини сўз билан қабул қилдилар, қўллари бирон аёл қўлига асло тегмади. Ойиша онамиз, розийаллоҳу анҳо, Пайғамбаримизнинг: “Мен аёллар билан қўл ушлашмайман”, деган сўзларини ривоят қилганлар (*Аҳмад, Термизий, Насоий ривоятлари*).

Ислом ахлоқига зид, куфр

одатига мувофиқ тарбия кўрган баъзи оила ва жамиятларда тарқалган ёмон одатлардан бири ҳеч бир хижолат бўлмасдан ва уялмасдан эркак ва аёлларнинг ўзаро ўпишишларидир. Бу одат бизга Фарбдан юқди. Шу қадар нодон бўлиб қолганмизки, Фарбнинг ўрганишга арзигулик жуда кўп фазилатлари қолиб, негадир фақат ёмонликларию кулфатларини, бузуқ одатларию ярамас ахлоқларини юқтирганмиз.

Учинчиси: Авратларни очиш ва яланғочланиш. Инсон авратларини беркитиш ва кийим кийиш билан бошқа махлуқлардан ажралган. Аммо, афсуски, шу инсонийликка зид ҳолда авратларини очиш ва яланғочланишдек қабих одат асримизда эркак ва аёллар орасида кенг тарқалди. Яланғочланиш деганда, эркак ва аёлларнинг шариат аҳкомларига хилоф равишда, кейин келиб чиқадиган зарар ва бузуқликларга парво қилмай, ёпинчиқни ташлашлари, авратларини очишларини назарда тутмоқдамиз. Бу ёмон одат уйда, чўмилиш жойларида, денгиз қирғоқларида, кўнгилоҷар базм ва томошагоҳларда, кўча ва бозорларда тарқалгандир.

Уй ичида аёл баданининг ҳамма жойини яққол билдириб турадиган тунги шаффоф кийимида яқинлари ё бегоналар билан ўтираверади. Ҳеч ким бу одатни ғалат ҳисобламайди, инкор ҳам қилмайди. Аксинча, бу ҳолни оддий ҳол деб ўрганиб қолади. Мабодо кимдир юрак ютиб, эътироз билдирса, қолюқ ва маданиятсизга чиқарилади.

Орамизда учраган яна бир ҳолат бор: аёллар тунги либосда ҳам, яланғоч ҳам деб бўлмайди-ган бир ҳолда, кўшнларининг уйлари қаршисидаги деразалари олдида ўтиришади. Ўзимизнинг уйимиздамиз деб ўйлашади. Инсон ўзининг уйида хур, эркин, дейишади.

Бундай палапартиш ҳаёт фақат аёлларга хос эмас. Эркаклар, айниқса навқирон йигитлар ҳам оналари, қизлари, опасингиллари ё келинлар олдида

ножоиз ҳолатда бемалол юриверадиган бўлиб қолишган.

Динимиз аёлга қорни ва орқасини, киндиги ва тиззалари оралигини эридан бошқа бирор эркакка, ҳатто у отаси ё ўғли ё акаси бўлса-да, кўрсатишни манъ қилган. Аёллар бир-бирларининг киндик билан тиззаларининг оралигини кўришлари мумкин эмас. Эркаклар ҳам бир-бирларининг худди шу жойларига қараши ҳаромдир. Аёллар ҳам ўзларининг яқин эркак қариндошларининг мазкур ўринларини кўришлари ножоиздир.

Кўча ва бозорларга келсак, кўп жамиятларда аёллар Аллоҳ таолонинг бу хусусдаги буйруқларига итоат этишмайди, Аксинча, зийнат ва жозибаларини кишилар олдида кўз-кўзлашга тиришишади. Эркаклар назарини ўзларига қаратиб мусобақалашади гўё. Ажиб ҳолат: улар уйларида бундай қилишмайди. Кун бўйи эрлари ҳузурда ёғ ҳиди анқиган, эски-туски кийимларда юришади, яъни, кўчага энг яхши кийимларини кийишади, безанишади, хушбўй атирлар сепишади, уйда эса, ташқи кўринишларига эътибор қилмаслик билан эрларининг ҳақларига риоя этишмайди.

Шу ўринда сўрамоқчимиз: Эй одамлар! Зоҳиран сизларга тараққиёт белгиси бўлиб кўринадиган бундай “эркин” муомала ўзларингизнинг эр-хотинлик муносабатларингизга қанчалик зарар қилаётганини, неча-неча оилани бузаётганини биласизларми?! Ахир, эркак ва аёлларнинг бир-бирларига чиройларини намоиш этишлари ўрталарида ношаръий алоқаларни юзага келтиради-ку. Бу ҳол, ўз навбатида, эр-хотинлар муносабатининг издан чиқишига сабаб бўлади.

Тўртинчиси: Манъ этилган ёлғизлик. “Манъ этилган ёлғизлик” эркакнинг номаҳрам аёл билан, яъни, никоҳланиши ҳалол бўлган аёл билан ёлғиз қолиши маъносидир. Номаҳрам аёл билан ёлғиз қолиш эр-хотинлик ҳаёти бузилишининг энг

хатарли сабабларидандир. Ёлғиз қолиш эркак ва аёлда яширин истак ва майлни қўзғайди ва шайтон улар ўртасига кутқу солади. Шунинг учун Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, бундай ёлғизликдан қайтариб: “Ҳеч бирингиз маҳрами ҳамроҳ бўлмаган билан ёлғиз қолмасин” (Имом Бухорий ва Муслим Абдуллоҳ ибн Аббосдан, раозийаллоҳу анҳумо, ривоят қилишган) деганлар.

Термизий ва Насоий Умар ибн Хаттобдан, розийаллоҳу анҳу, келтирган ривоятларида Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтадилар: “Ҳеч бир эркак бирор аёл билан ёлғиз қолмасин, зеро, шайтон уларнинг учинчиси бўлади”.

Бешинчиси: *Эркин муомала, ўзаро ҳазил ва бирга рақс тушиш.* Бу уч иборанинг ҳар бири алоҳида-алоҳида мавзу бўлиши мумкин. Улардан бирининг ўзи эр-хотиннинг уйида ўт чиқарувчи учкун бўлишга етарлидир. Аммо биз уларни бир ўринда келтираётганимизнинг боиси, уларнинг зарарларини кўрсатиш, кўплар бепарво бўлаётган ижтимоий муносабатларнинг бу қиррасидан уларни огоҳ этишдир.

Кўп жамиятларда эркаклар билан аёллар ўзаро олди-сотди ё хизмат юзасидангина эмас, балки тунги ўтириш ва йиғилишларда ҳам бирга бўлишади. Аёл ўзига ёт эркак билан гаплашаётганини, бирга кетаётганини, уни суҳбатга чорлаб, сиёсат, жамият муаммолари ҳақида баҳслашаётганини, кулдириб-кулаётганини кўрамыз.

Бошқа бир жамиятларда бу “ҳолат бирлиги” бирга рақс тушишгача, бундан-да ҳунукроқ ҳолга бориб етган. Унда аёл тортиниш, бегонасираш, айб ё хи-жолат ҳис этмайди, балки бу ҳолни оддий тарз деб ҳисоблайди. Бундай ахлоқсиз ҳоллардан нималар келиб чиқади? Жавоб маълум ва ойдин.

Аёл ёдидан чиқармасин: у

эркин муомала қилаётган, бирга юрган, ҳазил қилаётган ва гоҳо бирга рақс тушаётган эркак отаси ҳам, акаси ҳам, ўғли ҳам, эри ҳам эмас. Унда у ким? Ота, ака, ўғил ва бошқа маҳрамлар билан бирга юриш ё мутойиба қилишдан бирор хавф ва ҳаром келиб чиқмайди. Уларнинг унга, унинг уларга кўнгли қочмайди. Агар эри бўлса, улар ўртасидаги майл мубоҳдир, мумкин-дир. Аммо булардан бошқа эркаклар унга бегонадир. У улардан, улар ундан завқ оладилар, у уларга, улар унга майл қилади ва ўрталарида зинонинг бирор қисми — қараш, сўзлаш, эшитиш, ушлаш ва ҳоказо... каби қисми содир бўлиши мумкин.

Шундай бўлгач, ҳар бир эркак ва аёл бир-бири билан муомала қилишда эҳтиёткор, иболи ва жиддий бўлиши, майлни қўзғатувчи, мункар ва бузук ҳоллардан узоқ туриши лозимдир.

Олтинчиси: *Қайн уруғлар.* Бу мавзунинг номи қуйидаги ҳадиси шарифдан олинган. Бухорий, Муслим ва Термизий Уқба ибн Омирдан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: “Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аёллар олдига киришдан сақланинг!” дедилар. Шунда ансорий бир киши: “Қайни ҳақида нима дейсиз?” деб сўради. Унга Расулulloҳ, алайҳиссалом: “Қайни ўлимдир”, деб жавоб қилдилар”.

Мазкур ҳадиснинг маъноси шундай: Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, аёллар олдига, агар маҳрами қариндоши бўлмаса ё зарурат бўлмаса, киришдан ва боришдан қайтардилар. Чунки бунда бузуклик ва ёмонликлар келиб чиқиши эҳтимоли бор. Ансорий бир киши қайнлар, яъни, эрининг қариндошлари ҳақида сўраган саволига Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қайни ўлимдир”, деб лўнда ва кескин жавоб қилдилар. Бунинг маъноси, ибнул Амр “Ниҳоя” номли китобда ёзганларидек, “Аёл

ўлақолсин, асло бундай қилмасин”, деганидир. Эрнинг эркак қариндошларининг келин билан муносабати шарият доирасида, комил эҳтиёткорлик ва тўла ҳушёрлик билан бўлиши лозим. Хотиннинг аёл қариндошларининг куёв билан муносабатлари ҳам шу кабидир.

Ҳамма билиб қўйсин: аканинг хотини ё хотиннинг сингилиси ва шунга ўхшаганлар маҳрам эмас. Киши улар билан тортинмай эркин муомала қилиши ножоиз. Аёлга ҳам шундай. Улар бир-бирларига бегона, ўрталарида маҳрамлик мутлақо йўқ. Улар шу ҳукмдан келиб чиқиб муомала қилишлари лозим. Акс ҳолда, оқибат хатарли бўлади.

Шаръий маҳкамада хизмат қилишимиз сабабли биз билган, кўрган, эшитган ҳодисаларни сиз ҳатто тасаввур қила олмайсиз. Етти уҳлаб тушингизга кирмаган воқеалар бўлади ҳаётда, Аллоҳ сақласин.

Еттинчиси: *Ахборот воситалари.* Ахборот воситалари, хусусан, аксар мамлакатларнинг телевидение ва радиоси, бугун кўпинча носоғлом издан бораётир. Бузук филмлар, ҳозирда ва келажақда йигит ва қизлар онглари ни заҳарлайдиган, уларга динларини ва оилавий ҳаётларини бузиб кўрсатадиган театр томошаларининг кўпоровчи мақсад-ғояси очиқ ва равшан: “оилани бузиш”. Хотинни эрига, ўғил ва қизни ота-онасига гиж-гижлаш ва оила анъаналарига қарши қўйиш билан, мактаб ва олийгоҳларда озодлик, ҳурлик, биродарлик, беғараз дўстлик шиорлари остида йигит ва қизларни аралаштиришга ундаш билан, эрининг хотинига, хотиннинг эрига қандай хиёнат қилишларини ўргатиш билан оилани бузишдир. Буларнинг барчаси, афсуски, “маданият” номи остида қилинмоқда.

Уста ОЛИМ
таржимаси

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши



ҲИДОЯТ ЙЎЛИДАН АДАШМАНГ

(Охири. Бошланиши ўтган сонларда)

«Ҳизбут таҳрир идорий қонуни» китобининг 7-бетида шундай ёзилган: «б) Ҳизбнинг қасами куйидагича: «Буюк Аллоҳ номи билан Исломни ҳимоя этувчи ва унга содиқ бўлишга, ушбу ҳизбут таҳрир раъйлари, фикрлари ва дастурини сўз ва амалда қабул қилишга, унинг тўғри бошқаришига ишонишга, раъйимга зид келганда ҳам қарорларини бажаришга, унга аъзо эканман, унинг ғоясини рўёбга чиқариш йўлида бор кучимни сарф этишга қасамд этаман. Менинг бу сўзимга Аллоҳ гувоҳдир».

Адашган ушбу фирқа ўзига аъзо бўлган шахсларни фосид йўлларидаги ботил ишларни бажаришга ушбу қасамд ила бўйсундирадидлар. Қасамд қилгувчидан фақат ушбу фирқа дастурларига амал қилишга ваъда оладидлар. Ваҳоланки, унинг аксар раъйи, дастури, юқорида баён қилганимиздек, Аллоҳнинг китобига, Расуллоҳнинг соллаллоҳу алайҳи ва саллам, суннатларига хилофдир. Улар бу ишлари билан одамларни шарият буюрмаган, таклиф этмаган ишларга чақирмоқдалар. Шариятда кишини савобли амалларга тарғиб этишда ёки чин мусулмон бўлиши учун унга ҳеч вақт қасамд қилдирилмайди. Ислом дини ҳимояси, ривожи қасамд қилган кишигагина тааллуқли эмас. Ёки қасамд қилсагина, унинг хизмати мақбул бўлиб қолмайди. Балки бу иш жаноби Пайғамбаримиздан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ва бизгача келган уламоларнинг бирорталаридан эшитилмаган бир тўқимадир. Бу тоифага адашиб кириб қолган кишиларнинг кўплари ушбу тоифанинг хатоларини билганларидан сўнг ҳам бу йўлдан қайтмаётганларининг бир сабаби шу қасамдир. Улар, биз қасам

ичганмиз, қасамимизни бузиб гуноҳкор бўламиз, деб қўрқадилар. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Аллоҳ таолонинг исмини яхшилик ва тақво қилмаслик ҳамда инсонлар орасида ислоҳ қилмаслик учун бўлган қасамларингизга нишон қилиб олманглар» (Бақара, 224, мазмуни).

Ушбу ояти кариманинг тафсирида Расуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, марҳамат қилганлар:

Яъни, «Кимки бир ишга қасам ичса, сўнг қасам ичилган ишдан бошқасини яхши деб кўрса, бас, у киши қасамини бузсин, сўнгра у яхши ишни қилсин» («Саҳиҳ»и Муслим). Демак, бир киши шариятда маъруф, яхши саналган ишни қилмайман деб қасам ичган бўлса ёки мункар ишни қиламан деб қасам ичса, у инсон қасамини бузиши ва каффорат бериб, яхши ишларни қилиши лозим бўлади. Ҳизбга аъзо бўлиб, унинг буюрганларини қиламан, деб қасам ичиш шариятдаги буйруқларга хилоф ишларни қилишга қасамдир.

Билмоқ керакки, Аллоҳ таоло бандаларни тоқатлари етган ишларгагина таклиф этгандир. Қуръони карим оятларида марҳамат қилинади:

«Аллоҳ сизларга (буюрган амаллари ила) енгиликни ирода қилади, сизларга қийинчиликни ирода қилмайди» (Бақара, 185, мазмуни).

Ҳар бир мусулмон Аллоҳ буюрган ишларни адо этишга ва қайтарган нарсалардан тийилишга қўлдан келганича ҳаракат қилиши, амалда эътидол (адолат) йўли бўлмиш аҳли сунна вал жамоа йўлини маҳкам ушлаши лозим. Юқорида хатолари айтилган «Ҳизбут таҳрир» ва унга ўхшаш ҳар хил номлар билан чиқиб келган ва чиқаётган бузуқ тоифаларга аъзо бўлишдан ҳазар қилиш даркор.

Эй бирода! Нажот уларнинг фосид ва ботил раъйлари билан тўлдирилган йўлида эмас, балки Аллоҳнинг ушбу сўзидадир:

«Албатта, ушбу (дин) менинг тўғри йўлимдир, бас, шунга тобе бўлинглар. Ундан ўзга йўлларга эргашмангларки, у йўллар сизларни менинг йўлимдан ажратиб юборади» (Анъом, 153, мазмуни).

Сўнгсўз ўрнида

Китобнинг аввалида Аллоҳ таолонинг неъматларига шукр қилиш неъматнинг барқарорлигига, балки у неъматнинг янада зиёда бўлишига сабаб эканини баён қилган эдик. Энди хотимада шуни таъкидлаймизки, шукрона уч

турли бўлади: фикрий шукрона, лафзий шукрона ва амалий шукрона. Фикрий шукрона шундан иборатки, масалан, бизнинг ҳолатимизда, истиқлол неъматининг шарофати билан қўлга киритилган диний ва дунёвий ютуқларни тафаккур қилиб, Ҳақ таолодан дилу димоғ билан миннатдор бўлиш. Лафзий шукрона эса, дилдаги тафаккур қилинган неъматларни талаффуз қилишдир. Масалан: «Қул эдик, озод бўлдик. Энди биз оталаримиз, аждодларимиз ва пешволаримизни қатағон билан қириб ташлаган, миллатимизни оёқости қилган ғайридинларга аризамизни кўтариб бориб, уларнинг олдиларида тиз чўкиб турмаймиз, балки «Алҳамдулиллаҳ, мусулмонман» деяётган ва миллатдошимиз бўлган раҳбарлар билан ишимиз битади», деб айтиш. Амалий шукрона эса, Аллоҳ таолонинг бу улуғ неъматларини булғаётган ҳар хил ҳашоратларга иложи борича қарши курашиш. Ҳашоратлар жуда кўп. Улардан бири Ислонни ниқоб қилиб олиб, ҳар хил номлар билан пайдо бўлаётган аҳли бидъатлардир. Демак, комил мўмин бўлган эркак ва аёл шукронанинг бу учала турини ҳам чиройли бажо айлаб, маросимларда, йиғинларда халққа ваъз-насиҳатлар қилиб, бундай зарарли тоифалардан халқни ва ватанни ҳимоя этиб, ўзини шукр қилувчи бандалар қаторига қўшсин. Инсон ҳаётида яхши бир из қолдириб ўтса, унинг ҳаётидаги беозорлиги, ширинсуханлиги, вафодорлиги, мардлиги ва бошқа рисолат маъданидан олган хулқу хушлари ёдгорлик бўлиб қолса, агар Аллоҳ таоло фарзанд берса, уларни Ҳақ таолонинг амрига итоатли, халқпарвар, ватанпарвар, меҳру шафқатли қилиб, салоҳиятда тарбия қилиб қўйса, саодати абадияга эришган бўлур эди. Қўлидан келса, бошқа инсонларни ҳам мана шундай покиза ҳаёт тарзига чақирсин. Унинг даъвати билан ҳаётини имон-этиқод асосига қурган ёш авлод аждодларимиз йўлларида оғишмай юриб, барака топиб, гуллаб-яшнаб, фароғатда ҳаёт кечирсин.

Афсуски, замонимизда пайдо бўлган янги тоифаларнинг барчаси бузуқ эътиқодларда бўлиб, одамларни жин ургандай адаштирдилар. Олимларга эргашдик, энди ҳақ йўлни топдик, деб ўйлаган бечоралар, буларга эргашиб бориб, бошларини тошларга уриб, жувонмарг бўлдилар. Бу каби «даъватчи»ларга эргашган ёш авлодга ачинамиз. Уларга: «Сен тўғри яшашинг, жамиятда ўз ўрнингни, оилангни ҳимоя қилишинг керак эди. Ёш хотининг, шириндан-шакар фарзандларингни меҳр-шафқат қанотинг остида тарбият қилишинг керак эди. Биз сенинг гўдак болаларинг учун йиғлаймиз. Уларга юрагимиз ачинади. Илоҳо, улар сенинг йўлингдан юриб, бахти қаро

бўлмасинлар. Аллоҳ уларни бундай бузуқ йўллардан ўзи асрасин! Эй бечора инсон! Жаннат йўли бунча қийин эмас эди. Жаннатга кириш учун ҳизбчи, ваҳҳобий ёки яна бошқа тоифа бўлиб олиб, тўполон қилиб юриш шарт эмас эди», дегимиз келади.

Бир куни Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобалар билан турган пайтларида узоқдан бир аъробий бақриб келаверди. Ровий айтдиларки: «Унинг овозини эшитар эдик, аммо нима деяётганини тушунмас эдик. Шундай ҳолда у етиб келди. Билсак, у Ислондан сўраётган экан. Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, унга калимаи шаҳодатни ўргатдилар, сўнгра: «Ислон менга яна нимани буюради?» деб сўради. Жавоб бердилар: «Ҳар куни беш вақт намоз ўқийсан». У сўради: «Менга бу беш вақт намоздан бошқа намоз ҳам борми?» Жавоб бердилар: «Йўқ. Агар хоҳласанг, нафл ўқишинг мумкин». Аъробий сўради: «Ислон менга яна нима буюради?» Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтдилар: «Агар бой бўлсанг, бир йилда бир марта закот берасан». У сўради: «Менга бундан бошқа ҳам закот борми?» Жавоб бердилар: «Йўқ. Магар ихтиёрий эҳсон қилишинг мумкин». У сўради: «Ислон менга яна нимани буюради?» Жавоб бердилар: «Рамазон ойининг рўзасини тутасан». У сўради: «Менга ундан бошқа ҳам рўза борми?» Жавоб бердилар: «Йўқ. Магар ихтиёрий ҳолда нафл рўза тутсанг, тутаверасан». У сўради: «Ислон менга яна нимани буюради?» Жавоб бердилар: «Агар қодир бўлсанг, умрингда бир марта ҳаж қиласан». У сўради: «Менга ундан бошқа ҳаж ҳам борми?» Жавоб бердилар: «Йўқ. Агар хоҳласанг, нафл ҳаж қилишинг мумкин». Шунда у Ислондаги беш фарзни ўрганиб олиб, қайтар экан: «Аллоҳга қасамд қилиб айтманки, бундан бирортасини камайтирмайман ҳам ва бунга бирорта нарсани қўшмайман ҳам», деди ва йўлига кетди. Шунда Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки аҳли жаннатни кўрмоқчи бўлса, шу кишига қарасин», дедилар. Демак, «Ҳизбут таҳрир»ми, бошқа бузуқ тоифаларми, буларнинг ҳаммасидан ҳазар қилиб, аждодларимиз равиялари билан юриб, Ислондаги беш фарзни чиройли адо қилиб, халқпарварлик ва ватанпарварлик билан ҳаёт кечириб борсак, иншааллоҳ, жаннатийлардан бўламиз.

Аллоҳ ҳаммамизни аҳли тавфиқ ва аҳли жаннатлардан қилсин! Омин, ё Роббал оламин.

Танбех

Ҳурматли ўқувчи! Китоб ўқишининг бир неча шарт ва одоблари бор. Сизга булардан баъзиларини баён қиламиз.

Биринчиси — ният. Чунки «Албатта, амаллар ниятлари билан эътибор қилинур» («Саҳиҳ»и Бухорий). Яъни, бандаларнинг шу дунёда қилган амалларининг мукофоти ниятларига қараб берилур.

Иккинчи шарт — китоб муаллифининг таржимаи ҳолини, яъни, унинг ким эканини билиш: эътиқодда қайси мазҳабда, амалиётда қайси мазҳабда, одоб-ахлоқи, тақвоси қандай, унинг шаънига қанақа сўзлар айтиляпти; салафи солиҳийнга, яъни, шариат пешволарига ҳурмати ва муҳаббати қандай ва қандай муаллафотлари бор, яъни, унинг ёзган китобларида ботил ва бузуқ гаплар йўқми... Шариат пешволари бўлган устозлар шогирдларига китоб муаллифи мана шу сифатларда баркамол бўлмаса, унинг китобини қўлга ушламаслик керак, деб айтар эдилар.

Азиз китобхон! Китоб мутолааси инсоннинг ё ҳидоятга, ё залолатга сабаб бўлиб қолади. Шунинг учун бу ишда эҳтиёткорлик ниҳоятда муҳим, чунки ҳидоятда барқарор бўлиш учун инсоннинг илми, ақлу фаросати ва донишмандлиги кифоя қилмайди. Балки ҳидоят учун банда ҳамиша Аллоҳ таолонинг ёрдамига муҳтождир.

«Кимники Худо ҳидоят қилур, улдур йўл топган ва кимники ул оздирур, бас, ҳаргиз анинг учун йўл кўрсатгучи мададкор топмассан» (Каҳф, 17, мазмуни).

Банда бу нозик масалада, яъни, ҳидоят масаласида Парвардигорига бениҳоят муҳтож эканига далолат қилувчи оятлар ва ҳадислар жуда ҳам кўп. Жумладан, қалбнинг беқарорлиги мисолида Пайгамбаримиз, алайҳиссалом, марҳамат қиладилар:

«Қалбнинг мисоли иморатлардан холи, довдарахти бўлмаган чўлу биёбондаги парга ўхшайди. Шамоллар уни тўхтовсиз учуриб, гоҳ у тарафига, гоҳ бу тарафига ўзгартириб туради». («Мишкотул-масобиҳ»). Мулла Алиййул Қорий мазкур «Мишкотул-масобиҳ» китобига ёзган «Мирқотул мафотиҳ» номли шарҳларида мана шу ҳадисни шарҳлаб айтадиларки, қалбнинг шундай ихтилофи ва инқилоби бўлгани учун ҳам унга «қалб» (ўзгариб турувчи) деб ном берилган.

Ҳазрати Анас, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: «Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кўп вақт: «Эй қалбларни ўзгартирувчи зот, менинг қалбимни ўз динингда собит қилгин», деб дуо қилар эдилар. Мен у зотга: «Эй Аллоҳнинг пайгамбари, биз сизга ва Аллоҳдан келтирган ҳар бир хабарингизга иймон келтирдик. Энди бизни шундай улуг йўлни тарк этиб



хатога кетади деб кўрқасизми?» дедим. Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, кўрқаман, албатта, қалблар Аллоҳнинг панжаларидан икки панжанинг ўртасидадир, уларни хоҳлаганича ўзгартиради», дедилар.»

Мана шундай оят ва ҳадислардан хулоса қилиб Сўфи Аллоҳёр бобомиз айтадилар:

**Жамоат аҳли суннат тузган эрлар
Дедилар: «Турфа нозикдур бу йўллар.
Улуғ йўлни қўйиб ўлгунча, эй ёр,
Қадам қўйма тояр ерларга зинҳор».**

Бу шеърдаги «тояр ерлар»дан мурод ҳақ йўлдан адашган ҳар бир залолатдаги тоифаларнинг китобларини ўқиш ва улардан ҳазар қилмай суҳбат ва муомала қилишдир. Бундай ишлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин.

Китоб мутолаасининг одобларига келсак, аввало, китобни таҳорат билан мутолаа қилиш лозим. Чунки илм нурдир. Таҳорат яна нур. Таҳорат билан китоб ўқилса, нур устига нур бўлади. Китоб ўқиётгандаги таҳоратнинг шарофатидан китобхоннинг қалбига Аллоҳ таоло ҳидоятли фикрларни илҳом қилади. Шунинг учун диний пешволаримиз бетаҳорат китоб ўқишмаган. Ривоят қилинадик, Шайхул Имом шамсул аймма ас-Сарахсий қорин оғриқ билан касалландилар. У зот кечалари илм такрор қилар эдилар, ўша кеча ўн етти бор таҳорат қилдилар, чунки у зот таҳоратсиз илм такрор қилмас эдилар. Яна у зот: «Мен хат ёзилган қоғозни бетаҳорат ушламаганман», деган эканлар.

Иккинчи одоби, китобни ерга қўймайди. Балки уни хонтахта устига қўйиб ўқилади.

Яна бир одоби — китоб ёзганларнинг ҳаққига яхши дуолар қилишдирки, биз ҳам хайрли дуоларингизга муҳтожмиз.

Бир саволим бор

Ассалому алайкум «Ҳидоят» журнали ходимлари! Менинг иккита саволим бор, шуларга жавоб беришларингизни сўрайман.

Бахтиёр МУҲАММАД,
Чирчиқ

1. Халқимизда «Одам Ато Момо Ҳавонинг гапига учиб жаннатдан чиқарилган» деган гап юради. Шу масаланинг ҳақиқати қандай?

Жавоб: Аслида бу гап халқимиз ичига Таврот орқали кириб келган:

«6. Хотин кўрсаки, дарахтнинг меваси емоққа яхши, кўзга ёқимли ҳамда дид-фаросат топишга фойдали экан. У дарахтнинг мевасидан олиб еди. Сўнг эрига ҳам берди, эри ҳам еди... 11. Худованд: — ...Мен ема деб буюрган дарахт мевасидан едингми? — дея сўради. 12. Одам: — Сен берган бу хотин дарахтнинг мевасидан менга берди ва мен ҳам едим, — деди... 17. Кейин Одамга деди: — Сен хотинингнинг гапига қулоқ солдинг, Мен ема деб буюрган дарахт мевасидан единг...» (Ибтидо, 3-боб); «13. Чунки олдин Одам Ато, кейин Момо Ҳаво яратилди. 14. Шунингдек, Одам эмас, балки хотин шайтонга алданиб жиноят қилди...» (Биринчи Тимофейга, 3 боб). Бу ерда «айб» аёлга ағдарилган.

Қуръони карим эса гуноҳ икковларида эканини адолат билан баён қилади: «Бас, уларни (икковларини) шайтон йўлдан оздириб, масканларидан чиқарди...» (Бақара, 36, мазмуни);

«Бас, (шайтон) алдов билан уларни (икковларини) тубан

ҳолатга) тушириб қўйди. Ўша дарахтдан тотиб кўришган эди, (устларидаги либослари тушиб кетиб), авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. (Шунда) уларга Парвардигорлари нидо қилди: «Мен сизларни бу дарахтдан қайтармаганимдими ва, албатта, шайтон сизларнинг очиқ душманингиз, демаганимдими?!» (Аброф, 22, мазмуни).

«Сўнг шайтон унга васваса қилиб: «Эй Одам, мен сенга абадият дарахтини ва йўқ бўлмас мулку давлатни кўрсатайми?» деди. Бас, (Одам билан Ҳавво иблиснинг иғвосига алданиб ўша дарахтдан) едилару ўша онда уларнинг авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. Одам Парвардигорига осий бўлиб, йўлдан озди» (Тоҳа, 120–121, мазмуни).

2. Келин-куёв никоҳ вақтида бир-бирларининг қўлларига узук тақиш одатини халқимиз ўрслардан ўрганган. Бунинг христианликка алоқаси борми? Нима учун узук айнан тўртинчи бармоққа тақилади?

Жавоб: Шариатимиз эркакларга тилла тақинчоқларни ҳаром қилган. Бу нарса аслида христианларнинг учхудолик этиқодига бориб тақалади. Лондонда чоп этиладиган «Woman» («Аёл») номли журналнинг 1960 йил 19 март сони, 8-саҳифасида ушбу савол-жавоб чоп этилган:

— *Why is wedding ring placed on the third finger of the left hand?*

Нима учун никоҳ узуги чап қўлнинг тўртинчи бармоғига тақилади, деган саволга журналнинг савол-жавоблар бўлими



муҳаррираси Анжела Талбот шундай жавоб беради:

— *There is the ancient origin whereby the bridegroom placed the ring on the tip of bride's left thumb, saying: «In the name of the father» on the first finger, saying: «In the name of the son» on the second finger, saying: «And of the Holy Ghost», on the word «Amen», the ring was finally placed on the third finger where it remained.*

— Бу удум қадимий одатларимизга бориб тақалади. Аслида қондаси бундай: куёв узукни келиннинг бош бармоғига қўйиб: «Ота номи билан» дейди. Сўнгра кўрсаткич бармоғига қўйиб: «Ўғил номи билан», дейди. Сўнгра учинчи бармоққа қўйиб: «Муқаддас Руҳ номи билан», дейди ва охирида «Амин» деб тўртинчи бармоғига тақиб қўяди.

Бу эътирофдан келиб чиқадики, «никоҳ узуги» ҳам, уни келин-куёв бир-бирига тақиб, қўйишию кейин тақиб юришлари ҳам диёримизга совет замонида кириб келган, аслида христианларнинг диний маросимларидан бири бўлган бегона одатдир. Афсуски, биз ҳар жиҳатда шон-шарафларга бурканган мусулмон аждоқларимизнинг бугунги болалари нима ўзимизники, нима бегоналигини фарқлаёлмайд қолдик.


Жавобларни
Абдул АЗИМ ЗИЁУДДИН
тайёрлади

Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай марҳамат қилади: “(Эй Муҳаммад), ҳавойи нафсини “илоҳ” қилиб олган ва Аллоҳ уни билган ҳолида йўлдан оздириб, қулоқ ва кўнглини муҳрлаб, кўз олдига парда тортиб қўйган кимсани кўрганмисиз? Бас уни Аллоҳ (йўлдан оздиргани)дан сўнг ким ҳидоят қила олади?! Ахир эслатма ибрат олмай-сизларми?!” (Жосия, 23, мазмуни).

Киши нафсига тобе бўлса, нафсини ўзига илоҳ қилиб олади. Бу ояти каримадан ҳам маълум бўладики, ким нафсининг хоҳишига юрса, қулоғи қар, кўнгли қаттиқ ва кўзи кўр бўлиб, нафс домига тушиб қоларкан. Абу Сулаймон Дароний айтадилар: “Ҳар нарсанинг дарди бор, кўнгилнинг дарди кўп емоқдир. Кўп еган киши олти балога гирифтор бўлмай. Биринчи, ибодатида лаззат бўлмамай, иккинчи, унутувчан бўлмай. Учинчи, очларнинг қадрига етмай, тўртинчи, ибодатга танбал бўлмай.

ракаларидан ўзининг қариндошлари тўй-маъракаларини ортиқ кўради.

Хотин маънавиятига эътибор бериш ҳам эрнинг энг муҳим вазифасидир. Ибодатларга оид илмларни эгаллашига ёрдам қилиши керак. Эр аёлини Аллоҳ томонидан берилган омонат, деб ҳурмат қилади, айна чоқда ортиқча ишонувчанлик билан, ўз ҳолига ташлаб ҳам қўймайди.



Сайфиддин ҳожи НАСРИДДИН ўғли,

Андижон шаҳридаги «Фиштли масжид» жомеъининг имом-хатиби

НАФСНИ ХОР ТУТГАН ЯХШИ

Бешинчи, шахвати голиб бўлмай. Олтинчи, мусулмонлар масжидга борса, у ҳожатга боргай”.

Нафс, деганда емоқ-ичмоқнигина эмас, балки инсондаги кибр-ҳаво ҳам тушунилади. Масалан, кимдир шаънингизга нолайиқ гаплар айтганида, обрўйимга путур етди, дейиш ҳам нафс талабидандир.

Надоматлар бўлсинки, кейинги йилларда баъзи аёллар ифбат-номусини сақламай, иқтисодий қийинчиликни рўқач қилиб, нафсга тобе бўлиб қоляптилар. Натижада кўп оилалар бузилиб кетмоқда.

Албатта, оила шаънини ҳимоя қилишда эркак киши ҳам жавобгардир. Бир ҳадиси муборақда Пайгамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай марҳамат қиладилар. “Ҳар бирингиз ўз кўл остингиздагиларга масъулсиз ва қиёмат кунда бундан сўраласиз”.

Эр аввало ўз ҳақ-ҳуқуқини билсин. Яъни, аёлини ҳурмат қилсин-у, ортиқча мулозамат билан ҳурмати ва гурурини йўқотиб қўямасин. Аёлнинг олдига кўгирчоққа айланиб қолмасин. Шундай аёллар бўладики, ўзининг қариндошларини эрнинг қариндошларидан устун тутаяди. Бу ҳар хил кўринишларда намоён бўлади. Масалан, эр томонидан келган меҳмонларни менсимайди, эрнинг авлоди тўй-маъ-

Баъзан шундай ҳолатларга ҳам дуч келамиз: Сабрли аёл ўғилчасини кўтариб, қизини етаклаб, боғчага, сўнг ишга йўл олади. Ортидан эрнинг товуши эшитилиб қолади: “Келишингда бозорга ҳам кириб келгин”. Ўзи эса ишсиз, ёнбошлаб ётиб кун бўйи телевизор кўради. Зерикканда чойхонага чиқади. Аёлдан юлиб олган пулига халфана ош ейди.

Баъзи одамлар эса бундан ҳам бефарқ яшайдилар. Аллоҳ уни яратди, уй-жой берди, фарзанд ато этди. Лекин у гофил фарзандларнинг тарбияси тугул, уларнинг нима еб, нима ичаётганидан бехабар. Фақат еб-ичиш, бузуқлик, гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлиб дарбадар юрадилар. Ҳатто фарзандларининг вояга етиб қолганини ҳам сезмай қолади.

Демак, хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл нафс-ҳавосини енгиб, оила мустаҳкамлиги учун ҳаракат қилмоғи зарур. Чунки Аллоҳ нафсни хор қилиб яратди. Кимки унинг хилофига юрса, фитна, бало, қийинчиликдан нажот топади. Кимки нафсини улугласа, унга итоат қилса, ўзи хор бўлади.

Нафсни тийиш ҳар бир ҳолатда Аллоҳ таолонинг ҳозир экани, кўриб туришини ҳис этиш билан амалга ошади.



зўғроқ бўлгани каби. Ҳар бир буюк шахснинг ортида аёл туради. Бунга ҳеч қачон унутмаслик керак.

Бугун биз вафо ёки ҳалоллик, омонат, ростгўйлик каби бир қанча чиройли туйғуларни сўзлаймиз, дарс берамиз, китоб ёзамиз. Амалга келганда эса... Шун-

ларнинг жамиятдаги ўрни, имконияти тенг эмас. Чунки улар фитратан нозик, кўнгилчан, меҳр-шафқатли бўлишади. Шу боис ҳам улар жамиятнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда қийналишади.

Шокир ТУРДИБЕКОВ
(Имом Бухорий номидаги Ислом институти мударриси):

— Аёл жаҳолат даврида (Ислом дини келмасидан аввал) ниҳоятда паст кўрилган. Оилада

АЁЛНИНГ ШАРАФИ НИМАДА?

Журналимизнинг 2002 йилги 3-сонида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, вазифалари хусусида муҳтарама аёлларимиз билдирган баъзи мулоҳазаларни ўқиган эдингиз. Бу борада эркаклар қандай фикрда эканлиги ўқувчиларимизни қизиқтириши табиий. Шу боис мавзуга яна бир бор қайтишни лозим кўрдик.

Норқул БЕКМИРЗАЕВ
(ЎЗМУ ўзбек филологияси факултети декани):

— Аёл бор жойда озодалик, тартиб, гўзаллик бўлади. Унинг ўтмиши ва бугуни орасида катта тафовут яширинган. Ҳозирги аёлларда (аксарият эмас!) ҳаё ва иф-фат ўрнини ноз, ишва, бешармлик эгаллагандай кўринади.

Ўтмишда заҳмат-машаққатларга сабр-бардош қилган момоларнинг бугунги авлодлари анча бесабр, қаноатсиз бўлиб боришяпти. Ҳатто баъзилари ўзларини енгил ҳаёт оғушига отмоқда.

Аёл жамиятда раҳбар ёки оқдий фуқароми, қайси соҳада хизмат қилмасин, ҳамиша камтаринлиги, меҳрибонлиги билан ажралиб туриши зарур. Раҳбарлик курсисидан бақирчақир қилиб ишловчи аёлга ижобий баҳо бериш мушкул. Энг муҳими, аёл ҳар қайси замонда ҳалол меҳнати, пок туйғулари билан келажакни тарбия қилади.

Фафур УМРЗОҚ (“Офсет-принт” хусусий босмаҳона муҳаррири):

— Ўтмишнинг аёли бугунгидан фазилаглироқ, худди ўтмишнинг эркаги бугунниқидан

дай бўлгач, ёзганларимиз, айтганларимиз пуч, узоқ яшамайди. Боболар, момолар қолдирган мерос эса ҳамон тирик. Бундан кейин ҳам яшайди. Бойси нима? Уларнинг сўзида ва ишида амал-ибодат бўлган.

Ўтмиш аёлларига қолақ, саводсиз, тўрт девор ичидан бошқани кўрмаган, деб таъналар қилинди. Агар бу сўзлар рост бўлса, миллатнинг ўзлигини англаши қийин эди. Аслида улар қандай бўлишган? Ислом руҳида таълим-тарбия олган момоларимиз буюклигини кўз-кўзлашдан ҳаё қилишган. Улар охираат бахтини ҳамма нарсдан афзал билишган.

“Аёлларнинг эркаклашуви эркакларнинг аёллашувига олиб келади”, деган бир гап бор. Дарҳақиқат, биз бугун гувоҳимиз бу кўргуликка. Баъзи эркаклар ўз масъулиятини унутди. “Уй бекалари”га айланишди! Бу ҳол бизнинг фожиамиз!

Аёлнинг уйдан ташқаридаги меҳнатидан оиладаги меҳнати бир неча бор устун. Оиланинг бирдамлиги, фарзанд тарбияси, умуман олганда, оила ички муҳитининг саранжом-сарошта бўлиши аёл учун катта шараф ва масъулият ҳисобланади. Аёл-

қиз туғилса, тириклай кўмилган, ҳаттоки узрли онларида ҳам уйдан узоқ жойларга чиқариб юборилган. Шу тарзда ҳақоратланган аёл Ислом дини туфайли мартабали инсонга айланди. Аёл ва эркакнинг, ота ва онанинг, фарзанднинг ҳақ-ҳуқуқлари Куръони каримда, Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳадисларида аниқ баён этилди.

Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларнинг энг яхшиларингиз аёлларига яхши муомалада бўлганингиздир» мазмунидаги ҳадислари аёлнинг доимо чиройли муносабатга ва ҳимояга муҳтожлигини таъкидлайди.

Динимиз мана шундай улуглаган аёлларимиз бугун қандай ҳолга тушишган? Улар Ислом дини белгилаган ҳуқуқлар билан ҳимояланганми? Оврупога тақлид юриш-туришимизга, ҳатто оиламизга ҳам кириб келди. Диёнатдан, миллийликдан узоқлаша бошладик. Оқибатсизлик, хиёнат, ажралишлар кўпайди. Оиладаги, жамиятдаги салбий ҳодисалар сабабини бир сўз билан ифодалаш мумкин. биз диний тарбиядан узоқлашдик.

Пайғамбаримиз, соллаллоху алайҳи ва саллам, марҳамат қиладилар: “Қайси бир хотин беш вақт намоз ўқиса, рамазон рўзасини тутса, иффатини сақласа, эрига итоат этса, жаннат эшикларининг хоҳлаганидан кираверади”.

Аёл киши тўрт нарса учун — жамоли, насл-насаби, моли ва дини учун никоҳланади. Солиҳа аёл дини боис доимо афзал саналади. У оилага бахт келтиради.

Аёлнинг жамият ривожига қўшган ҳисаси у тарбиялаб вояга етказган фарзандларининг феъл-атворида намоён бўлади. Гишт қолипи қанчалик тўғри ва текис бўлса, гишт ҳам шундай сифатли чиқади. Аёл ҳам фарзандига қанчалик тўғри тарбия берган бўлса, албатта бунинг мевасини татийди. Жамият ҳам шунинг ҳосиласини кўради.

Ойбек АЛИЕВ (“Ёшлар” радиоси муҳаррири):

— Биласиз, тарихда ҳам, бугун ҳам “тараққиёт”, “эҳтиёж” каби тушунчалар яшайди. Одам хоҳласа-хоҳламаса, буларнинг гирдобига тушади ва мослашади. Тараққиёт бизни нимадан дунёга воз кечишга мажбур қилади. Биз шунга, афсуски, кўникамиз. Руҳиятнинг тиниқ туйғуларини бой берса, одам ўзидан ҳам узоқлашади. Аёл ҳам шунақа. Одатлар ўзгаргач, унинг ҳам ўзгариши табиий. У аста-секин ўзининг муҳим фазилатларини йўқотиб борапти.

Аёлларга хос ишлар: овқат қилиш, кир ювиш, фарзанд тарбияси бугун айрим опсингилларимизга малол келмоқда.

Мен турмуш ўртоғимни фикрлай оладиган, одамга ўхшаб яшашни билладиган ҳолатда кўришни истайман. Фикрлайдиган аёл фарзандининг фикрлаш эҳтиёжини қондира биллади. Агар аёл ҳашамга ўралашиб қолса, унда эрнинг ҳам, фарзанднинг ҳам келажагидан умид йўқ. Ундай аёлнинг талаби фақат моддийат бўлади. У ҳатто фарзандидан нима талаб қилишни билмайди. “Қандай китоб ўқиясан?” ёки “Қайси фанни кўпроқ ёқтирасан?” каби саволлар билан назорат қилиш тушига ҳам кирмайди.

Яна бир ҳол кўп ўйлантиради мени. Масалан, эр уйда ётса, аёл ишга, бозорга чиқишга мажбур. Бунинг оқибати нима бўлади? Афсуски, бундай салбий ҳолатларга кўникамиз. Бу кўникаш баъзилар учун одадий ҳолга айланмоқда.

РАЙҲОНА
ёзиб олди



Умид ҲАСАНОВ

Умр

Умр ўтар оқар сувдан тез,
Жўшқин юрак бир кун тин олар.
Бугун борсан, эртага сени
Даврадошлар ахтариб қолар.



Билдирмайин аста кетарсан,
Эртага-чи, келар бошқалар,
Бошқаларнинг қабрига индин
Бутунлай бошқалар тош қалар.

Замон шундай ўтиб боради,
Беланчакка ўхшар бу ҳаёт.
Кўзингда ёш, алла айтасан,
Гуллар унар юрагингга ёт...

Кўринди

Қалб дафтарин очсам, армон кўринди,
Армондан ўзгаси арзон кўринди.
Нечун яхши кунни айтмайсан дема,
Яхши кун истаган сарсон кўринди.
Бахтсиз эмасман-ку, бахтдан мақтансам,
Бахтим бор деганлар нолон кўринди.
Сени Аллоҳ учун севаман дедим,
Аҳду паймонлари ёлгон кўринди.
Ҳар лаҳза минг имкон бой берилса ҳам,
Нодонларнинг иши хандон кўринди.
Бир нур чиқди порлаб, уфқни кучди,
Саждада бош эгдим, осмон кўринди...

Андижон



Бахтиёр МАҲМУД

Қодир Аллоҳ раҳмати ботиндадир,
Одамийлик хислати ботиндадир.

Сохта пардозларга кўнгил учмасин,
Чин гўзаллик санъати ботиндадир.

Ҳийлагарларнинг иши кўргазма гул,
Яхшилик хосияти ботиндадир.


Ҳақ кучи сумбатда жавлон сурмагай,
Оқил инсон қудрати ботиндадир.

Тил учининг дўстлиги душманга йўл,
Асл дўстлар ҳурмати ботиндадир.

Маҳмудо, нодон демагил бесинов,
Пок қалблар нияти ботиндадир.

Тошкент

Бошқотирма



Энига: 1. «Ҳидоят маёғи». 5. Исм. 7. Чой тури. 8. Отларни яхши билувчи. 9. Тажвид қоидаси. 10. ... ман этилади. 11. Қибла шаҳри. 14. «Саҳобалар» (арабча). 17. Ибодат. 19. Тутқун. 20. Қадимги давлат номи (назмдаги шакли). 21. Иброҳимнинг, алайҳиссалом, аёллари. 22. Ғўза гули даракчиси. 23. Пайғамбаримизнинг, алайҳиссалом, оналари. 24. Оби... 26. Жаннати аёл. 28. Текисликни ўлчайдиган асбоб. 31. Арабистоннинг қадимги номи. 32. Кошона. 33. Шимолий музлик. 34. Метро бекати. 35. Мато.

Бўйига: 1. Гап бўлаги. 2. Маросим. 3. Дарё. 4. «Ташқи»нинг зидди. 5. Жадидлар нашри. 6. Бурж. 12. Математик атама. 13. Ироқдаги дашт. 15. Тартибли. 16. Давлат. 17. Билимли. 18. Саҳоба. 24. Аллоҳ таолонинг исми. 25. Қараш. 26. Адабий жанр. 27. Куш. 29. Сон. 30. Ҳарф.

Турсунали **ҒАНИЕВ**
музди.

Маслаҳат

ШАМОЛЛАШДАН САҚЛАНИНГ

Шамоллашни унча хавфли касаллик ҳисобламай, унга эътиборсиз қараймиз. Бу билан катта хатога йўл қўямиз. Хўш, шамоллаш нима? Бу оддий айтсак, инсон танасига кўп совуқ ҳаво кириб қолишидир. Совуқ ҳаво танага киши терлаган ёки ювинаётган пайтда кириб қолади. Шу боис, ҳаво совуқ ёки салқин пайтда танамиздаги намликни тезда куруқ сочиқ билан артиб олишимиз керак. Акс ҳолда, нам аъзода

буғланиш содир бўлади, совуқ ҳаво, ўша аъзони шамоллатади. Бундай шамоллаш кўпчилик қариялар учун жуда қимматга тушмоқда.

Кўпчилик мустаҳаб ва таҳоратдан сўнг артинмайди ва пешоб йўллари, пешоб пуфагини шамоллатиб қўяди. Бу эса жуда хавфли касаллик.

Бутун коинот подшоҳи Аллоҳ таоло яратган гўзал табиатга назар ташланг. Қишми, ёзми чўмилаётган қушларни

кўрамиз. Улар ҳамма вақт ҳаво очик, қуёш чарақлаб турганида чўмиладилар. Чўмилиб бўлишлари билан тезда қанотларини қоқиб, танларини қуришиб оладилар.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, тана куруқ тутилса, шамоллаш жуда кам содир бўлар экан.

Рўзимуҳаммад
ХИДИРАЛИЕВ,
Янгийўл тумани